Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

• 2008 йил 12 февраль • сешанба • № 6-7 (566) • e-mail: inson_va_qonun@mail.ru

ЎЗБЕКИСТОН – БУЮКЛАР ЮРТИ

Мамлакатимиз фуқаролари ҳазрат Низомиддин Мир Алишер Навоий бобомиз таваллудининг 567 йиллигини давлат миқёсида нишонлашди.

Гапнинг аввалида шуни таъкидлаш лозимки, Алишер Навоий бобомиз нафақат биз — ўзбеклар ёки туркий халқлар учун қадрли, балки бутун жаҳон халқлари шеърият ихлосмандларини яқин олти асрдан буён ўз шеърий даҳоси ва закоси билан ҳайратга солиб келади.

9 февраль — Алишер Навоий бобомиз таваллуд топган кунда барча вилоят ва туманларда бўлгани каби, мамлакатимиз пойтахтида ҳам Навоийхонлик учрашувлари бўлиб ўтди. Навоийхонлик тантаналари рамзий маънода пойтахтдаги Миллий боғда жойлашган Алишер Навоий ҳайкалига гул қўйиш маросими билан бошланди. Ушбу тадбирда нутқ сўзлаган Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Халқ шоири, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов, жумладан, шундай деди:

— Ҳар бир халқ, миллат ўзининг дунёга машҳур, ўз даҳоси билан жаҳон афкор оммасини лол қолдирган фарзандлари билан фахрланишга ҳақли. Бу борада, биз ўзбеклар ҳар қанча фахрлансак, улуғ ота-боболаримиз билан ҳар қанча мақтансак арзийди. Бугун муборак таваллуд айёмини нишонлаётганимиз, Ҳазрат Алишер Навоий бобомизни олиб кўрайлик. Улуғ бобомизнинг шеърияти нафақат ўзбек, туркий, балки жаҳон шеърияти дурдоналари қаторидан ўрин олган. Орадан олти асрга яқин вақт ўтаётган бўлишига қарамасдан, жаҳон шеърият ихлосмандлари, дунё адабиётшуносларининг ҳамон Навоий бобомиз ижодини ўрганади. Унинг даҳосидан ҳайратланиб яшайди.

Яна бир мисол. Жаҳон тиббиёти, дунё тиббиётшуносларининг ҳалиҳануз Абу Али ибн Сино бобомиздан ўрганади. Унинг даҳосига, буюклигига таъзим қилади. Ёки жаҳон афкор оммаси алгебра фанининг отаси сифатида тан олган ал-Хоразмий бобомизни олиб кўрайлик. Ҳарб илмида Соҳибқирон Амир Темур бобомиз дунё аҳлини ҳайратга солган бўлса, илми нужум, яъни астрономия фани ривожланишига Мирзо Улуғбек бобомиздек улкан ҳисса қўшган бирон-бир миллат вакилини топиш қийин. Яна бир гап: улуғ бобомиз, фикр илмининг тамал тошини қўйган Марғиноний яратган "Ал-Ҳидоя" асари жаҳон қонунчилигининг дебочаси сифатида қадрлидир. Шундай экан, биз — ана шу улуғ боболарнинг авлодлари буюклар ватанида яшаётганимиз, томиримизда шундай улуғ боболаримизнинг қони оқаётгани билан фахрланиш баробарида, уларга лойиқ фарзанд бўлишга ҳаракат қилишимиз лозим.

Дарҳақиқат, севимли шоиримизнинг сўзларини тинглар экансиз, унга қўшилмасликнинг иложини тополмайсиз. Чунки орадан ўтган асрлар боболаримизнинг ҳам диний, ҳам дунёвий фанларнинг ривожланишига қўшган ҳиссаларини юксалтирса юксалтирдики, асло камайтиргани йўқ. Дейлик, Аҳмад ал-Фарғоний, имом ал-Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд каби боболаримиз ўтмишда жаҳонга қандай машҳур бўлган бўлсалар, бугун ҳам худди шундай.

Истиқлол йилларида мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан юртимизда мавжуд бўлган юзлаб қадамжолар, ўнлаб улуғ боболаримизнинг ҳоки-поклари ётган муқаддас масканлар обод қилинди, эл қадами узилмайдиган зиёратгоҳларга айлантирилди. Бугун бу муқаддас масканларни нафақат биз, яъни Ўзбекистон фуқаролари, балки дунёнинг турли бурчакларидан юртимизга ташриф буюраётган сайёҳлар ҳам келиб зиёрат қилади. Улуғ бобокалонларимизнинг ҳоки-поклорини кўзларига суртади. Уларга ўз ҳурмат-эҳтиромларини изҳор қилади. Бу бежизга эмас, албатта. Қолаверса, Шарқнинг жаҳон тамаддуни бешиги номини олишида ҳам бизнинг боболаримиз қўйган ҳисса беқиёсдир.

Шундай экан, биз Ўзбекистон буюклар мамлакати, деб баралла айта оламиз.

Ислом ҲАМРО

Тизим тадбирлари

ТИЛГА ЭЪТИБОР – ЭЛГА ЭЪТИБОР

Адлия вазирлигида фалсафа фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси доценти Акбар Ғаниев билан учрашув-мулоқот бўлиб ўтди. Унда А.Ғаниев жаҳон маънавиятининг буюк сиймоси, мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг бебаҳо маънавий мероси, унинг давлат арбоби сифатида амалга оширган ибратли ишлари, инсоний фазилатлари ҳақида сўз юритди.

Файласуф олим сўз мулкининг султони А.Навоийнинг миллат тараққиёти учун қилган буюк хизматлари хусусида тўхталар экан, улуғ аждодимизнинг ўзбек адабий тилининг мавқеини тиклаш ва мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари беқиёс тарихий аҳамиятга эгалигини эътироф этди. А.Ғаниев мутафаккир шоирнинг фиқҳ илмининг ҳам билимдони бўлганлигини, алломанинг ҳаёти сўз ва амал бирлиги билан мангу ибратга айланганини таъкидлади.

Дилором МАТКАРИМОВА,
"Инсон ва қонун" мухбири

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ

Яқинда "RADISSON SAS. TASHKENT" меҳмонхонасида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллигига бағишлаб "Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизими: бугунги ҳолат ва истиқбол" деб номланган конференция бўлиб ўтди.

Мазкур конференция Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази томонидан БМТ Тараққиёт дастури кўмаги асосида ташкил этилди.

Анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати аъзолари, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этдилар.

Конференцияда БМТ Тараққиёт дастурининг (Ўзбекистон) доимий вакили ўринбосари П.Постилл нутқ сўзлаб, Ўзбекистонда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси амалга тўла татбиқ этилгани, мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш намунали йўлга қўйилганини алоҳида эътироф этди.

Конференция қизғин баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтди.

Дилфуза РАҲИМБЕКОВА,
"Инсон ва қонун" мухбири

ҚАРОР ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг мажлислар залида Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 августдаги "Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат корхоналари, муассасалари, ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига оид семинар-машғулот бўлиб ўтди.

Ушбу тадбирда қарорнинг аҳамияти, қарор бўйича тасдиқланган 2 та Низом, давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизмати фаолиятига қўйиладиган талаблар, уларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, шунингдек, асосий вазифалари хусусида сўз юритилди.

Ушбу семинар-машғулот якунида юқоридаги қарор ижросини таъминлаш мақсадида жойларда турли тадбирлар ўтказилиши режалаштирилди.

Гулсумхон ШОДИЕВА,
"Инсон ва қонун" мухбири

Олий Мажлис Сенатининг 2007 йил 30 ноябрда бўлиб ўтган ўн иккинчи ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги Қонуни маъқулланди. Мазкур Қонун 2007 йил 22 декабрь куни матбуотда эълон қилинди ва шу кундан эътиборан кучга кирди.

• Қонун моҳияти

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ

фаолиятининг ҳуқуқий асослари

Акциядорлик жамиятлари хусусида тўхталар эканмиз, ўз-ўзидан шундай савол туғилади: хўш, акциядорлик жамияти ўзи нима? Уни ташкил этиш тартиби ва асослари, фаолият тури ҳамда унинг фаолиятида иштирок этиш тартиби қандай?

Акциядорлик жамияти — бу устав фонди жамиятнинг акциядорларига нисбатан мажбуриятларини тасдиқловчи муайян миқдордаги акцияларга тақсимланган хўжалик юритувчи субъектдир. Акциядорлик жамиятлари бу қонун билан тақиқланмаган ҳар қандай фаолиятни амалга ошириши мумкин бўлган юридик шахс ҳисобланади. Унинг устав фонди эса жамият томонидан муомалага чиқарилган акцияларнинг номинал қийматидан келиб чиқиб белгиланади, яъни акциядорлик жамиятининг устав капитали унинг акциялари номинал қийматининг умумий миқдоридан ортиб кетиши мумкин эмас. Акциядорлик жамиятининг асосий мақсади даромад олишни кўпайтириш мақсадида олинган фойдани қайта молиялаштиришга йўналтиришдан иборатдир.

Бугунги кунда мамлакатимизда акциядорлик жамиятлари фаолиятини ривожлантириш ва уларнинг иқтисодиётини эркинлаштириш юзасидан зарур чора-тадбирлар амалга оширилиши изчиллик билан олиб борилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2007 йил 20 июлдаги **"Иқтисодиётнинг стратегик тармоқлари корхоналарини хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Фармони мазкур соҳадаги ислоҳотларни янада жадаллаштириш имконини берди. Мазкур Фармонга асосан, очиқ савдоларда хусусий мулк сифатида сотиладиган корхоналар ва объектлар рўйхатини кенгайтириш, бунда халқаро амалиётда қабул қилинган нормаларга риоя этиш мақсадида республикада 2007 йил 1 августдан бошлаб мамлакат иқтисодиёти учун устувор аҳамиятга эга бўлган стратегик тармоқларнинг устав капиталида давлат улуши бўлмаган ёки бу улуш йигирма беш фоиздан ошмайдиган акциядорлик жамиятларини бошқаришда давлат иштирокининг махсус чекланган ҳуқуқи — "олтин акция" тамойили жорий этилди.

4

МУРОЖААТЛАР «ИНСОН ва ҚОНУН» НИГОҲИДА

ҚОНУНИЙЛИК ТАЪМИНЛАНАДИ

Фуқаро Қўзиева Қумрининг отаси Мусаев Яхшибойнинг ўлимига сабабчи бўлган фуқаро Эрматов Илҳомга нисбатан қонуний чора кўрилмаётганлиги тўғрисидаги аризаси мазкур ҳолат бўйича тўпланган ҳужжатлар асосида кўриб чиқилди.

Аниқланишича, 2007 йил 14 январь куни фуқаро Мусаев Яхшибой ўзига тегишли бўлган ВАЗ-21043 русумли, 11J 88-07 давлат белгили автомашинасини Тўйтепа-Пскент-Бўстон йўналиши бўйича бошқариб кетаётиб, шу автомобиль йўлининг 26-чақиримида фуқаро Эрматов Илҳом бошқарувида қарама-қарши ҳаракатланиб келаётган ВАЗ-2106 русумли, 11E 04-80 давлат белгили автомашина билан тўқнашув содир этади. Натижада Я.Мусаев жароҳат олиб, воқеа жойида вафот этган.

Мазкур ҳолат бўйича Пскент туман ИИБ ТБ терговчиси М.Абдураҳманов томонидан терговолди текшируви ўтказилиб, натижасига кўра, ЖПКнинг 83-моддаси, 2-бандига асосан жиноят иши қўзғатишликни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Ушбу қарор воқеа ҳолати бўйича текширув тўлиқ ўтказилмаганлиги сабабли вилоят прокуратураси томонидан 2008 йил 25 январь куни бекор қилиниб, қўшимча терговолди текшируви ўтказишни ташкил этиш учун Пскент туман прокуратурасига юборилди, текширув жараёни вилоят прокуратураси томонидан назоратга олинди ва ариза муаллифига бу тўғрида жавоб берилди.

Қўшимча терговолди текшируви натижасига кўра, қонуний қарор чиқариш таъминланади.

У.СУННАТОВ,
Тошкент вилояти прокурори ўринбосари,
адлия маслаҳатчиси

Адлия органлари томонидан тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашиш ҳолатлари бўйича назорат ишлари кенг йўлга қўйилган.

Маълумки, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 241¹-моддасида қонуний тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, тадбиркорлик фаолияти субъектининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини чеклаш ёки унинг фаолиятига ғайриқонуний аралашиш учун тегишли жавобгарлик белгиланган.

• Адлия ёрдам берди

БАЁННОМА РАСМИЙЛАШТИРИЛДИ

ҳуқуқбузарлар жаримага тортилди

Жорий йил давомида адлия органларининг тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида маъмурий ҳуқуқбузарликлар юзасидан 285 та ҳолатда маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича расмийлаштирган баённомалари жойлардаги жиноят ишлари бўйича судларга юборилди. Шундан, 222 таси судлар томонидан кўриб чиқилди, баённомаларнинг судларда кўриб чиқилиши давом этаётир.

Жумладан, Фарғона вилояти адлия бошқармаси ходимлари Олтиариқ тумани ҳокимлиги Савдо департаментида тадбиркорликка оид қонун ҳужжатлари ижроси юзасидан ўрганиш олиб борганида Савдо департаменти томонидан улгуржи савдони амалга ошириш учун лицензия берилишида "Комфорт инвест Файз" хусусий корхонасининг, "Кимё савдо Олтиариқ" хусусий фирмаларининг низомлари ортиқча равишда олинганлиги маълум бўлди. Ушбу ҳолат юзасидан Олтиариқ туман Савдо департаменти ходими Р.Сатторовга нисбатан МЖтКнинг 241¹-моддаси билан маъмурий баённома расмийлаштирилиб, тегишли судга юборилди.

Наманган вилояти, Наманган шаҳар ДСИ томонидан "Иршод Рафиғ" МЧЖ нинг 2006 йил 3-чорак ҳисоботлари, "Медтехинвестконтракт" МЧЖнинг 2007 йил 2-чорак ҳисоботлари билан бирга корхона тўғрисидаги маълумотномалари ортиқча талаб қилиб олингани ҳам афсусланарли ҳол. Адлия органи томонидан киритилган маъмурий баённомага асосан суд Наманган шаҳар ДСИ ходими А.Турсуновга нисбатан 62.100 сўм миқдорида жарима қўллади.

4

Ислом КАРИМОВ:

Қонунчилик, ҳуқуқий маданият, фуқароларнинг ҳуқуқий

Мазкур қўшсаҳифа Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунийликни таъминлашга йўналтирилган ҳуқуқий тарғибот ишлари бўйича

ОЗОД ВА ОБОД ЮРТ ТИМСОЛЛАРИ



ИЖРО АМАЛИЁТИ

тўлиқ таъминланади

Бизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 августдаги "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"ги Фармони ва 2007 йил 11 июлда қабул қилинган "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунга кўра, жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахсларни қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судлар ваколатига ўтказилиши белгиланди ва 2008 йил 1 январдан бошлаб кучга кириб, амалда ижроси таъминлана бошлади.

Ушбу қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши бевосита қамоққа олишга санкция беришнинг аниқ процессуал-ҳуқуқий механизмини яратишга, жиноят процессининг судгача бўлган босқичида жиноий таъқиб қилинадиган фуқароларнинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш кафолатларини кенгайтиришга, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни танлашда терговчи ва прокурорларнинг жавобгарлигини кучайтиришга, суд ҳокимиятининг нуфузини ошириш ва мустақиллигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг 2005 йил 8 августдаги **"Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"**ги Фармонининг қабул қилиниши Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия кодекслари ва бошқа қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни тақозо этди. Шунингдек, 2008 йил 1 январдан мамлакатимизда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши жаҳон ҳамжамияти томонидан илиқ кутиб олинди ва ижобий баҳоланди.

Айтиш жоизки, **"Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги Қонунга асосан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 18-моддасининг иккинчи қисмига, 29-модда биринчи қисмига, 36-модданинг биринчи ва учинчи қисмига, 217-модданинг биринчи қисмига, 226-модданинг биринчи ва учинчи қисмига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Жиноят-процессуал кодексидан 227-модда чиқариб ташланди. Шунингдек, 234-модданинг биринчи ва тўртинчи қисмлари, 239-модда янги таҳрирда баён этилди. 240-моддага ўзгартиш киритилди. 241-243-моддалар янги таҳрирда баён этилди. 245 ва 247-моддаларга, 342,355,365,382,558-моддаларнинг айрим қисмларига ҳам ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Шу ўринда жиноят-процессуал қонунчилигидаги санкция билан боғлиқ меъёрларни таҳлил қилайлик. Жиноят-процессуал кодексидаги санкция атамаси лотинча "sanctio" сўзидан олинган бўлиб, "қатъий ёки қаттиқ қарор" деган маънони билдиради.

Бу атама қонунчиликда қуйидаги маъноларни ифодалайди:

юқори инстанция томонидан бирон-бир ҳужжатни тасдиқлаб, унга ҳуқуқий куч бериш;

ҳуқуқий меъёр, қонун моддасининг мазкур қонунни бузишнинг ҳуқуқий оқибатларини кўрсатувчи қисми;

халқаро ҳуқуқда халқаро мажбуриятларни ёки халқаро ҳуқуқ меъёрларини бузган тарзда ифодаланувчи, давлатга қарши қаратилган таъсир чоралари, хусусан, иқтисодий, молиявий, ҳарбий таъсир чоралари;

молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишнинг белгиланган тартибини бузган бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотларга нисбатан қўлланиладиган ҳамда улар учун муайян ноқулай ва зарарли оқибатлар келтириб чиқарувчи мажбурлов таъсир чоралари;

маъқуллаш, рухсат этиш, ижозат бериш.

Ҳуқуқ назариясида санкциянинг тўрт тури мавжуд. Булар — мутлақ-муайян, нисбий-муайян, муқобил ва ҳавола этиш санкцияларидир.

Мутлақ-муайян санкция жазонинг бир чорасидан иборат. У айни пайтда жазонинг тури ва ўлчамини аниқ белгилайди. Жиноят кодексида мутлақ-муайян санкциялар қўлланилмайди, зеро амалиёт бундай санкцияларнинг мақсадга мувофиқ эмаслигини, уларнинг адолат, инсонпарварлик принципларига жавоб бермаслигини кўрсатди.

Нисбий-муайян санкция — жазонинг бир кўринишининг қуйи ёки юқори ўлчамлари чегарасини белгилайди.

Муқобил санкция — икки ёки ундан кўпроқ жазо чораларидан иборат.

Ҳаволаки санкция — жазонинг тури ва ўлчамини аниқламасдан, кодексдаги бошқа-модданинг санкцияларини қўллаш лозимлигини кўрсатади. Санкциянинг мазкур тури амалдаги кодексдан ўрин олмаган.

Ҳуқуқ тизимида санкция атамасини ишлатишдан мақсад муайян тарздаги мажбурловни қўллаш деган хулосани билдиради. Шу ўринда жиноят-процессуал кодекси доирасида прокурорнинг шахсни қамоққа олиш учун берган санкциясидан суд ҳукми билан Жиноят кодексининг махсус қисмидаги санкция асосида бирон-бир турдаги жазони қўллашни фарқлаш керакligига эътибор қаратиш лозим. Шахсни қамоққа олиш процессуал жиҳатдан қатъий, узил-кесил эмас, янада аниқроқ ифодалаганда, бу шахс узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди ёки қамоқ жазоси берилди, деган ноўрин фикрни туғдирмаслиги керак.

Зеро, Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида(2005 йил 28 январь) қилган маърузасида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштириш юзасидан қатор дастуруламал ғояларини, жумладан, **"Ўзбекистонда ҳам шахсни ушлаб туриш, ҳибсга олиш, шунингдек, бошқа процессуал мажбурий чораларини қўллаш учун санкция бериш ҳуқуқини ҳам судларга ўтказиш керак"**, деган таклифни билдирган эди. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг навбатдаги босқичдаги ҳал қилиниши зарур масалалардан бири ушлаб туриш ёки эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш учун санкция бериш ваколатини прокуратурадан судга олиб бериш масаласини ҳал этиш зарурати ҳисобланиб, 2008 йил 1 январдан бошлаб, унинг ҳуқуқий механизми яратилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнида судларга санкция бериш ҳуқуқини ўтказиш энг қулай, замон талабларига жавоб берадиган холис механизм ишлаб чиқилганлигидан далолат беради. Шунингдек, бу адвокатлар мақомини юксалтиришга, жумладан, қамоққа олинган шахслар билан учрашувларни ташкил этишнинг процессуал тартибини такомиллаштиришга, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишнинг муҳим кафолати сифатида суд ҳокимиятининг нуфузини мустаҳкамлаш, судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, уларнинг инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ролини оширишга қаратилгандир.

Саломат НИЁЗОВА,
ТДЮИ ўқитувчиси

ЭЗГУЛИК ЙЎЛИ

2005 йилнинг 1 августида Президентимиз томонидан "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги Фармоннинг эълон қилиниши мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимидаги ҳам ижтимоий, ҳам сиёсий аҳамиятга молик воқеалардан бири бўлди. Мустақил Ўзбекистонимиз айрим давлатлар асрлар давомида уддалай олмаган бу жараённи жуда қисқа муддатда амалга оширди.

Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилиниши айни вақтда бу мамлакатимиз қонунларига, шу жумладан, жиноят-ижроия қонунчилигида мавжуд бўлган жиноий жазоларнинг ижро этиш тартиби ва шартларига ўзгартиришлар киритиб, уларни янада халқаро ҳуқуқ меъёрлари ҳамда стандартларига мос ва хос бўлишини таъминламоқда.

Мамлакатимиз Президенти ташаббуси билан ўлим жазосининг бекор қилиниши нафақат жазо тизимида ва жиноят-ижроия сиёсатидаги ижобий ўзгаришлардан бири бўлиб қолмасдан, балки Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар бўйича конвенцияси ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенциясининг ўлим жазосини ҳар бир инсоннинг яшаш ҳуқуқига зид деб ҳисобловчи принципларига мос келиши билан ҳам характерлидир.

Ўлим жазосининг қўлланилиши ёки қўлланилмаслиги муаммоси инсон ҳуқуқларининг халқаро миқёсдаги ҳимояси билан узвий боғлиқдир. Шу боисдан ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида бир неча халқаро ҳужжатлар қабул қилинган. Бундай ҳужжатлар қаторига **"Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт"**га иккинчи факультатив Баённомани (1989 йил), Европа Иттифоқи томонидан 1983 йилда қабул қилинган **"Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенцияси"**га олтинчи Баённомани киритишимиз мумкин. Булардан ташқари, сўнгги йилларда БМТ томонидан ҳам ўлим жазосини бекор қилиш ёки уни қўлламаслик тўғрисида қатор халқаро меъёрлар ишлаб чиқилди.

Президентимиз томонидан қабул қилинган Фармонда ўлим жазоси ҳукми умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилган шахсларни сақлаш учун мажмуа ва иншоотлар қуриш, зарур шарт-шароитлар яратиш, ана шу муассасаларда ишлаш учун ходимларни тайёрлаш билан боғлиқ бир қатор ташкилий-тайёргарлик ишларини амалга ошириш лозимлиги, шунингдек, жиноят, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия қонун ҳужжатларини пухта ишлаб чиқиш ҳамда ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, ўлим жазосини бекор қилган ва ўлим жазоси ўрнига умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган шахсларнинг жазолари ижро этилишини ташкил қилиш тажрибасига эга бўлган хорижий мамлакатларнинг тегишли қонун ҳужжатларини чуқур ўрганиб чиқишни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши белгиланган эди.

Шундан келиб чиқиб, Жиноят кодексидан 2008 йил 1 январдан бошлаб ўлим жазоси жиноий жазолар тизимидан чиқариб ташланди. Умрбод ва узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси Жиноят кодексига киритилди. Бу эса инсонпарварлик ва демократизм тамойилларининг амалий ифодасидир.

Элбек ТУРҒУНБОЕВ,
ТДЮИ ўқитувчиси

Ҳаётда ҳар қандай инсон учун аввало, эътибор, қадр-қиммат ва меҳр-оқибат керак. Бу олижаноб фазилатларни бир сўз билан инсонпарварлик дейиш мумкин. Инсонпарварлик эса давлатимиз сиёсатининг бош мақсадидир.

БАҒРИКЕНГЛИКНИНГ ЁРҚИН НАМУНАСИ

Агар ишонмасангиз, Асосий Қонунимизни варақлаб кўринг. Унинг ҳар бир моддасида инсон манфаатлари давлат манфаатларидан устун қўйилганига амин бўласиз. Айниқса, **"Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади"**, дея таъкидланган 13-моддасида Конституциямизнинг бор мазмун-моҳияти мужассамлашган. Қайси соҳа бўлишидан қатъи назар, истиқлол йилларида ўтказилган кенг кўламдаги ислоҳотлар ана шу сўзларнинг ҳаётий ифодасидир.

2005 йилнинг 1 августида Президентимизнинг **"Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"**ги Фармонининг қабул қилиниши ва жорий йил бошидан ўлим жазосининг жиноий жазо тизимидан бутунлай чиқариб ташланиши суд-ҳуқуқ тизимида кечаётган ислоҳотларнинг энг эътиборлисидир. Негаки, умр яратганнинг бандаларига берган тенгсиз иноъомида. Бу эса **"Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир"** деган конституциявий қоиданинг ёрқин далили ҳамдир.

Мазкур Фармонни синчиклаб ўқиб чиқдим. Фармонга кўра, ўлим жазоси умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоларига алмаштирилган. Бу жазо тури ҳам жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм жиноятларини содир этган шахсларга нисбатан тайинланади. Айни пайтда инсонпарварлик тамойиллари асосида бу жазолар аёллар, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар ва ёши олтмишдан ошган эркакларга нисбатан тайинланмаслиги ҳам эътибору эътирофга молик.

Яна бир гап. Чиндан ҳам қайта-қайта таъкидланганидек, ўлим жазоси ўта оғир жиноятларнинг камайишига ёки олдини олишга хизмат қилмасди. Аксинча, унинг бекор қилиниши билан кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Бу фикрнинг нақадар тўғри эканлигини эса Юртбошимизнинг **"Жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш самарадорлиги жазонинг оғирлиги ёки шафқатсизлигига эмас, балки биринчи навбатда, қонунни бузган шахснинг жазонинг муқаррарлигини нечоғли англашига боғлиқ"** деган сўзлари ҳам тасдиқлайди.

Авазбек ТЕШАБОЕВ,
Кува туманидаги "Роҳатой" фермер хўжалиги раҳбари

ТАРБИЯ ТАМОЙИЛЛАРИ

маънавият асосларига қурилган

2008 йил ўзига хос улуғ саъй-ҳаракатлар, эзгу ишлари билан тарих саҳифаларидан жой олиши шубҳасиз. Мамлакатимизда изчил давом этаётган ислоҳотлар, босқичма-босқич олиб борилаётган жиноий жазоларни либераллаштириш амалиёти барқарор адолат мезонини қарор топтирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августдаги **"Ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"**ги Фармонига мувофиқ жорий йилнинг 1 январидан мамлакатимизда ўлим жазоси жиноий жазолар тизимидан чиқариб ташланиб, унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланила бошланди.

Соҳа мутахассисларининг фикрича, ўлим жазосини алоҳида қўллаш жиноятчиликнинг камайишига олиб келмайди. Ислом таълимотига кўра ҳам, инсонга яшаш ҳуқуқи фақатгина Аллоҳ томонидан ато этилган бўлиб, уни ҳаётдан маҳрум этиш яратганнинг ўзигагина хосдир. БМТ томонидан қабул қилинган **"Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси"**нинг 3-моддасида, "Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида"ги халқаро Пактда яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқи экани кафолатланади, дейилган. Ўлим жазосининг мавжудлиги эса, муқаддас таълимотимиз ҳамда инсон ҳуқуқларининг халқаро ҳамжамияти томонидан эътироф этилган олий неъматдан маҳрум қилади.

Кучли фуқаролик жамиятимизда маънавий, руҳий ва жисмоний соғлом муҳит қарор топмоғи зарур. Жиноий жазо тизимида ўлим жазоси қўлланилганда, жамиятда қонунларимизга нисбатан қўрқув (ҳурмат эмас), ишончсизлик, носоғлом муҳит юзага келиши табиий ҳол. Ўлимга маҳкум этилган шахснинг яқин инсонлари, қариндош-уруғлари, ота-оналари, фарзандларининг руҳий ҳолатини бир тасаввур қилиб кўринг-а. Амалдаги ўлим жазоси шахсни қайта тарбиялаш, ўзининг қилмишларини, хатоларини англаб етиш имкониятидан бутунлай маҳрум қилади. Шунингдек, ўлим жазосини қўллашда хатога йўл қўйиш тузатиб бўлмайдиган оқибатга олиб келиши мумкин. Тарихдан маълумки, ноқонуний тергов усулларини қўллаш ва сохта гувоҳликлар асосида ўлим жазосига ҳукм қилинган шахсларнинг кейинчалик батамом оқланганлик ҳолатларига кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Бизнинг замонамизда ўлим жазосининг жиноий жазолар тизимидан чиқариб ташланиши, айниқса, "Ёшлар йили" деб эълон қилинган қутлуғ шу йилда ўзига хос аҳамиятга эга. Зеро, фарзандларимиз миллий қадриятларимизга хос бўлган бағрикенглик, инсонпарварлик каби хислатларни мужассамлаштириб, адолат мезони қарор топган она Ватанга нисбатан меҳр-садоқат, фахр-ифтихор туйғуларини онгу шуурига сингдириб камол топадилар.

Гулсара ИСОХОНОВА,
Тошкент вилояти адлия бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

кафолатини таъминлаш давлат аҳамиятига молик сиёсатдир.

Бош прокуратураси ўртасида жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга, ҳамкорлик қилиш тўғрисида имзоланган Меморандум асосида тайёрланди.

КОНСТИТУЦИЯ НАФАҚАТ ҲУҚУҚИЙ НЕГИЗ

балки халқни озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришдан иборат буюк мақсад остида бирлаштирувчи муҳим сиёсий ҳужжатдир

Мамлакатимиз Конституциясининг II боби "Халқ ҳокимиятчилиги", деб номланган бўлиб, унда халқ ҳокимиятчилигини амалга ошириш бўйича муҳим қоидалар мустаҳкамланган. Шу ўринда, қайд этиш жоизки, бизнинг Конституцияда хорижий давлатлардан фарқли ўлароқ, халқ ҳокимиятчилиги масалаларига битта ёки иккита модда эмас, балки яхлит бир боб ажратилган. Унда бу соҳадаги халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари, ривожланган давлатларнинг ижобий ютуқлари ҳамда халқимизнинг тарихий тажрибаси ва менталитети акс этган.

Хусусан, Конституциянинг **7-моддасига мувофиқ, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади. Конституцияда назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларини ўзлаштириш, ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳокимиятнинг янги ва мувозий таркибларини тузиш Конституцияга хилоф ҳисобланади ва қонунга биноан жавобгарликка тортишга асос бўлади.**

Халқ ҳокимиятчилиги ҳақида сўз борар экан, "халқ" атамаси кимларни қамраб олиши ҳақидаги саволнинг юзага келиши табиийдир. Асосий Қонунимизнинг **8-моддасига асосан, Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади.** Бу қоида мамлакатимиз фуқаролари бўлган барча миллат ва элат вакилларининг Конституция ва қонунлар олдида тенглигини, бир хил фуқаролик мақомига эга эканлигини кўрсатади. Таъкидлаш керакки, ушбу қоида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг устувор хусусиятларидан бўлиб, аксарият мамлакатлар Конституцияларида бундай қоидалар мавжуд эмас.

Халқ ҳокимиятчилиги принципи фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқида намоён бўлади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ бундай иштирок этиш ўзини-ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади. Чунончи, мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариши **"Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида"**ги, **"Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"**ги Қонунлар билан кафолатланган. Бугунги кунда Ўзбекистонда халқ ҳокимияти бевосита амалга оширилишининг муҳим бир кўриниши ўлароқ, тўққиз мингга яқин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, яъни маҳаллалар фаолият кўрсатмоқда.

Конституциянинг 10-моддасида халқ ҳокимиятчилиги принципидан келиб чиқадиган яна бир муҳим қоида белгиланган бўлиб, унга кўра **Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкин. Жамиятнинг биронбир қисми, сиёсий партия, жамоат бирлашмаси, ижтимоий ҳаракат ёки алоҳида шахс Ўзбекистон халқи номидан иш олиб боришга ҳақли эмас.** Мазкур конституциявий қоида халқ бирлиги ва умумхалқ манфаатларининг уйғунлигини таъминлашга қаратилган.

Шунингдек, Конституциянинг **11-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими — ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши** принципига асосланади. Конституциянинг 12-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади.

Асосий Қонуннинг **13** ва **14-модда**ларига мувофиқ, **мамлакатимизда демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади.**

Раҳимжон ҲАКИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими

Асосий Қонун амалда бўлган ўн беш йиллик тажрибамиз шундан далолат бермоқдаки, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини олий қадрият даражасига кўтарган, ҳокимиятларнинг бўлинишига асос солган, халқ суверенитетини, хусусий мулкни тан олган, кўппартиявийлик асосларини яратган, якка давлат мафкурасидан воз кечган Конституциямиз ушбу вақт мобайнида ҳар бир фуқаронинг ҳаётига кириб борди.

АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗ ҲАР БИР ФУҚАРО

ҳаётига кириб бормоқда

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 3-боби Конституция ва қонунларнинг устунлигини мустаҳкамлаган. Чунончи, Қомусимизнинг **15** ва **16-модда**ларига биноан, **Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар. Конституциянинг бирорта қоидаси Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказадиган тарзда талқин этилиши мумкин эмас. Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас.**

Конституция олий юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Унинг устунлиги қуйидагиларда кўринади:

Биринчидан, Конституция ҳуқуқнинг ҳамма тармоқлари, чунончи, фуқаролик ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ ва бошқа тармоқлари учун қонунчилик базаси бўлиб хизмат қилади. **"Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"**ги Қонуннинг 7-моддасига асосан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси олий юридик кучга эга ва Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида қўлланилади. Худди шунингдек, мазкур Қонуннинг **"Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзаро нисбати"** деб номланган **14-моддаси**га асосан норматив-ҳуқуқий ҳужжат ўзига қараганда юқорироқ юридик кучга эга бўлган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ бўлиши шарт.

Шундай экан, Ўзбекистон Республикасида қабул қилинадиган ҳар қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, яъни қонунлар, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳужжатлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, Ўзбекистон Республикасининг давлатлараро шартномалар билан олган ва бошқа мажбуриятлари, давлат органларининг қонунни қўллашдаги ҳужжатлари Конституцияга мувофиқ бўлиши, унинг асосида ишлаб чиқилиши ва уни ижро этиш учун қабул қилиниши керак. Мазкур шарт қонунийликнинг асосий мезонидир. Конституция ва қонунларга зид бўлган ҳужжатларни қабул қилиш эса қонунийликнинг бузилиши ҳисобланади.

Асосий Қонунимизга биноан Ўзбекистон тарихида биринчи марта Конституциямиз нормалари махсус тарзда муҳофаза қилинадиган бўлди. Шу мақсадда Конституциявий суд жорий қилинди. Конституциямизнинг **108-моддасига** асосан, **Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституцияга қанчалик мослигига доир ишларни кўради.**

Мамлакатимизда вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатларга киришувчи барча субъектлар Конституция ва амалдаги қонунларга риоя этишлари шарт. Ушбу талаб ҳамма субъектлар учун бирдек дахлдор бўлиб, аввалambор давлатнинг ўзига, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органларига, корхона, муассаса ва ташкилотларга, жамоат бирлашмаларига, фуқароларга, чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга юкланади.

Ҳуқуқий давлатда Асосий Қонунга оғишмай амал қилиш талаби билан бир қаторда унинг бирор қоидаси шу давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказадиган тарзда талқин этилиши мумкин эмаслиги ҳам белгиланади. Конституция пировардида халқимиз иродасини ифодалар экан, унинг нормалари инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга хизмат қилар экан, Конституциянинг ҳар бир моддаси ҳаётга татбиқ қилинаётганда халқ ва давлат манфаатларига зарар етказмайдиган тарзда талқин қилиниши зарур.

Суръат НАЙИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими

Адолат ёғдуси

Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 25-модда

Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашишдан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга.

Ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 27-модда

Ўзбекистон Республикаси фуқароси республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқига эга. Қонунда белгиланган чеклашлар бундан мустаснодир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 28-модда

Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир.

Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 29-модда

Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 30-модда

Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 31-модда

Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.

Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 63-модда



Маълумки, Конституция қонунчилик тизимининг энг муҳим ва асосий бўғини ҳисобланади. Шу жиҳатдан олганда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ОАВ фаолияти ва кафолатларининг асосий тамойилларини белгилаб берувчи нормалар ўз аксини топган. Хусусан, Конституциянинг 12-моддасида конституциявий тузумнинг асоси сифатида "Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас," деб белгиланган.

ОАВ ФАОЛИЯТИ

ва конституциявий-ҳуқуқий асослар

Кўрсатилган умумий тамойиллар билан бирга, мазкур ҳужжат ОАВнинг ҳуқуқий мақомини белгиловчи бошқа махсус конституциявий нормаларни ҳам ўз ичига олади. Хусусан, Конституциянинг **29-моддасида "Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга"** эканлиги кафолатланган. Айнан ОАВ мақомининг конституциявий ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган нормаси Конституциямизнинг 67-моддасида ўз ифодасини топган бўлиб, унда **"Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. Цензурага йўл қўйилмайди"** — деб белгилаб қўйилди.

Таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида замонавий талаб ва стандартлар ҳамда юқорида кўрсатиб ўтилган конституциявий тамойиллар асосида Ўзбекистон Республикасининг **"Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"**ги, **"Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида"**ги, **"Реклама тўғрисида"**ги, **"Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"**ги, **"Ноширлик фаолияти тўғрисида"**ги, **"Ахборотлаштириш тўғрисида"**ги Қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Шу жиҳатдан олганда, юқоридаги қонунлар билан бир қаторда, уларнинг ижросини таъминлашга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари, фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, тегишли идораларнинг норматив ҳужжатлари қабул қилинган. Юқоридаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида бугунги кунда сўз эркинлиги, ОАВ томонидан ишлаб чиқарилган ахборот ва бошқа маҳсулотларнинг монеликсиз тарқатилиши, ахборотни қидириш, олиш ва ишлаб чиқариш, уларга эгалик қилиш, тасарруф этиш, ОАВ маҳсулотини яратиш ва тарқатишда ишлатиладиган материаллар ва хомашёлар, техник воситалар ва асбоб-ускуналарни ишлаб чиқариш, сотиб олиш, сақлаш ҳамда эксплуатация қилиш ва бошқа масалалар бозор иқтисодиёти талаблари ҳамда демократик андазаларга мос равишда тартибга солинмоқда.

Президентимизнинг парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасидан кейин ОАВга оид қонунчилик ривожланишининг янги босқичи бошланганлигини эътироф этиш мумкин. Маърузада кўтарилган устувор йўналишларни ҳаётга татбиқ этиш юзасидан 2005 йил 10 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг **"Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш Дастури тўғрисида"**ги Қарори қабул қилинди.

Мазкур Қарорда жамият ҳаётининг турли соҳалари билан бирга, ОАВни демократлаштириш ва янгилаш, улар фаолиятини ислоҳ қилиш юзасидан бир қатор қонун ҳужжатларини қабул қилиш лозимлиги белгилаб қўйилди. Жумладан, **"Ахборот олиш кафолатлари ва ҳуқуқи тўғрисида"**ги, **"Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида"**ги, **"Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"**ги, **"Давлат сирларини сақлаш тўғрисида"**ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш; **"Оммавий ахборот воситаларида давлат ҳокимияти органлари фаолиятини ёритиш тартиби тўғрисида"**ги, **"Телерадио кўрсатувлари ва эшиттиришлари тўғрисида"**ги, **"Жамоат телевидениеси тўғрисида"**ги, **"Кабель телевидениеси тўғрисида"**ги, **"Оммавий коммуникациялар соҳасидаги иқтисодий муносабатлар асослари тўғрисида"**ги янги қонун лойиҳаларини ва бошқа бир қатор қонуности ҳужжатларини ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Бундан ташқари, мазкур концепцияда **"Оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамоат фонди"**ни тузиш, **"Журналист этикаси кодекси"** ва **"Оммавий ахборот воситалари хартияси"**ни қабул қилиш масалалари ҳам кўрсатиб ўтилган. Таъкидлаш жоизки, Қарор ижроси юзасидан бугунги кунгача талай ишлар амалга оширилди.

Бинобарин, ОАВга оид жорий қонунчилик тизимини таҳлил қилиш, ўз навбатида, мазкур тизимнинг ОАВ фаолиятига оид умумий масалаларни тартибга солишга қаратилган қоидалар ва тамойилларни ишлаб чиқиш, ОАВ фаолиятининг алоҳида йўналишларини тартибга солиш, ОАВ алоҳида институтлари фаолиятини тартибга солиш, ОАВ фаолиятининг алоҳида жиҳатларини тартибга солиш каби йўналишлар асосида шакллантирилаётганлиги тўғрисида хулоса чиқаришга имкон беради.

Жавлон АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими

● Қонун моҳияти

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ

фаолиятининг ҳуқуқий асослари

(Давоми. Боши 1-бетда)

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан **"Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"**ги **Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"**ги Қонуннинг 24-моддасида акциядорлик жамиятлари томонидан муомалага чиқариладиган тўрт турдаги акция кўрсатилган бўлса, янги қўшимча ва ўзгартишлар асосида 24[1]-модда билан "олтин акция", яъни мамлакат иқтисодиёти учун устувор аҳамиятга эга бўлган стратегик тармоқларнинг хусусийлаштириладиган айрим акциядорлик жамиятларини бошқаришда давлат иштирокининг махсус чекланган ҳуқуқи жорий этилди.

Унга мувофиқ, "олтин акция" — айрим акциядорлик жамиятларини бошқаришда давлат иштирокининг махсус ҳуқуқи бўлиб, у стратегик аҳамиятга эга бўлган давлат корхоналари хусусийлаштирилаётганда ёки акциядорлик жамиятларининг давлат акция пакетлари хусусий мулк этиб реализация қилинаётганда ҳукумат қарорига асосан жорий қилинади ва мамлакатнинг иқтисодий манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайди. "Олтин акция" қийматга эга эмас, бошқа шахсга берилмайди ҳамда гаровга қўйилмайди, устав фонди миқдорини белгилашда ва дивидендлари ҳисоблашда инобатга олинмайди. "Олтин акция" устав фондида давлат улуши бўлмаган ёки бу улуш йигирма беш фоиздан ошмайдиган акциядорлик жамиятларида жорий этилиши мумкин. Давлатнинг "олтин акция"дан фойдаланиш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Бундан ташқари, "олтин акция" акциядорлик жамиятининг кузатув кенгаши таркибига давлат вакилини тайинлаш воситасида реализация қилинади. Давлат вакили акциядорларнинг умумий йиғилишида ва кузатув кенгаши мажлисларида қонунда белгилаб қўйилган масалалар бўйича вето қўйиш ҳуқуқи билан мажбурий тартибда иштирок этади. Вето қўйиш ушбу қарорлар қабул қилинган куни ёзма шаклда амалга оширилади.

Шунингдек, мазкур қўшимча ва ўзгартишлар асосидаги амалдаги Қонуннинг 47-моддаси биринчи қисмида **"Акциядорлар реестри рўйхатга олинган акция эгаларининг уларга тегишли эгаси ёзилган қимматли қоғозларнинг сони, номинал қиймати ва тоифалари кўрсатилган, ҳар қандай белгиланган санадаги ҳолатга кўра тузилган ҳамда бу акция эгалари, уларга тегишли қимматли қоғозларнинг сони ва тоифалари айнан тўғрилигини аниқлаш имконини берадиган рўйхати бўлиб, унга ўзига нисбатан "олтин акция"ни жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилинган жамият акциядорлари реестрига давлат вакили ҳам киритилиши лозим"**лиги белгилаб қўйилди. Ўз навбатида эмитентлар акциядорлар реестрини давлат томонидан қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш ва мувофиқлаштириш юзасидан ваколат берилган орган белгилаган шаклда юритиши шартлиги, акцияларни жойлаштирган жамият ёки ихтисослашган рўйхатчи жамият акциядорлари реестрининг сақловчиси бўлиши мумкинлиги ва энг асосийси, оддий (одатдаги) акция акциядорлари беш юз ва ундан ортиқ бўлган жамият реестр юритиш ҳамда сақлашни ихтисослашган рўйхатчига шартнома асосида топшириши шартлиги Қонунда ўз ифодасини топди.

Бундан ташқари, **"Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"**ги Қонунга киритилган янгиликлардан бири — бу давлат вакилига акциядорлар реестридан кўчирма бериш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилишининг ўз ифодасини топганлигидир. Шунингдек, Қонунда **"давлат вакилини жамият акциядорлари реестрига киритиш ҳақидаги ёзув давлат вакилини тайинлаш тўғрисидаги тегишли қарор илова қилинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси томонидан реестр сақловчини хабардор қилиш асосида амалга оширилиши", "давлат вакилининг акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи унинг шахсан ўзи томонидан амалга оширилиши"** лозимлиги ҳам белгилаб қўйилди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида акциядорлик жамиятлари фаолиятини ривожлантириш ҳамда уларни бошқаришда давлат иштирокининг махсус ҳуқуқи жорий этилиши, биринчидан, мамлакатнинг иқтисодий манфаатлари ҳар томонлама ҳимоя қилинишини кафолатласа, иккинчидан, акциядорлик жамиятларини бошқаришда қатнашувчи ҳар бир акциядорнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоясини таъминлашга хизмат қилади.

Неъмат ХАТТАБОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими

● Адлия ёрдам берди

БАЁННОМА РАСМИЙЛАШТИРИЛДИ

ҳуқуқбузарлар жаримага тортилди

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бундан ташқари, Андижон вилояти Булоқбоши тумани бош меъмори М.Ғиёсов томонидан тумандаги "Шодлик сирлари" МЧЖ раҳбарининг 2007 йил 27 сентябрдаги мурожаати кўриб чиқилишида қонун ҳужжатларида белгиланган муддатлар қўпол равишда бузилганлиги аниқланди. Мазкур ҳолат юзасидан М.Қиёсовга нисбатан маъмурий баённома расмийлаштирилиб, жиноят ишлари бўйича Булоқбоши туман судига юборилди ва ҳуқуқбузарга нисбатан жарима белгиланди.

Шунингдек, Бухоро вилояти Бухоро тумани электр тармоқлари корхонасига тумандаги "Сахий" корхонаси томонидан 2007 йил 20 февраль куни электр энергиясига уланиш учун техник шарт бериш тўғрисида буюртма берилган бўлса-да, техник шарт қонуний муддатларда берилмагани оқибатида тадбиркорнинг қонуний фаолият юритишига тўсқинлик қилинган. Бу ҳолат юзасидан корхона бошлиғи Б.Жўраев ва бош ҳисобчи М.Латиповаларга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомалар расмийлаштирилиб, жиноят ишлари бўйича Бухоро туман судига юборилди. Жиноят ишлари бўйича Бухоро тумани судининг қарори билан уларнинг ҳар бири 9 315 сўмдан жарима жазосига тортилди.

Шуни таъкидлаш жоизки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш учун барча қонуний асослар мавжуд ва уларнинг ижросини таъминлаш адлия органлари ходимларининг доимий назоратида бўлиб келмоқда. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний равишда аралашган, тадбиркор фаолиятига тўсқинлик қилган шахсларга эса жазо муқаррардир.

Шокир РАФИҚОВ,
Адлия вазирлигининг масъул ходими

МУРОЖААТЛАР «ИНСОН ва ҚОНУН» НИГОҲИДА

ТЕГИШЛИ ЧОРАЛАР КЎРИЛМОҚДА

Фуқаро Бекмуродов Ўралнинг газетага йўллаган шикоят аризаси тегишли идоралардан маълумотлар олиш йўли билан Денов тумани прокуратураси томонидан ўрганилди.

Аниқланишича, туман ҳудудида фаолият кўрсатиб келаётган бозорларда туман Давлат солиқ инспекцияси томонидан ўтказилган мониторинг ва текшириш жараёнида 19 та ҳолатда ун маҳсулоти билан ноқонуний савдо қилинаётганлиги ҳамда 13 та ҳолатда ўсимлик ёғи ноқонуний сотилиши ҳолатлари аниқланиб, ушбу ҳолатлар юзасидан 24 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилган, 3 нафар шахсга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, айблов хулосаси билан жиноят ишлари бўйича Денов туман судига юборилган. Суд томонидан ушбу жиноят ишлари мазмунан кўриб чиқилиб, жазо муқаррарлиги таъминланган.

Туман прокуратураси томонидан туман ҳокимлиги, солиқ инспекцияси, ИИБ ва СВОЖЖДЛҚК бўлимлари билан ҳамкорликда туман бозорларида ун ва ёғ маҳсулотлари нархларининг сунъий равишда ошиб кетишининг олдини олиш борасида назорат тадбирлари кучайтирилиб, бу борада аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан тегишли чоралар кўрилмоқда.

Э.МЕЛАНОВ,
Денов тумани прокурори, адлия маслаҳатчиси



ҚЎШИМЧА ЖАЗО ҚЎЛЛАНИЛМАЙДИ

Фуқаро А.Абжалованинг газетага йўллаган шикояти вилоят прокуратураси томонидан ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг фармойишига асосан тузилган махсус гуруҳ томонидан 2006 йил 7 декабрда вафот этган Б.Абжаловнинг ўлими юзасидан ўтказилган хизмат текшируви хулосасига кўра, шифокор А.Жўраханов даволаш жараёнида йўл қўйган камчиликлари учун интизомий жавобгарликка тортилиб, 2007 йил февраль ойида малака оширишга юборилган.

Ҳақиқатан ҳам, А.Жўраханов тумани марказий шифохонаси бош шифокорининг 2007 йил 26 сентябрдаги буйруғига асосан бош шифокорнинг даволаш ишлари бўйича муовини этиб тайинланган. Бироқ, мазкур лавозим Президентимизнинг 2007 йил 2 октябрдаги **"Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Қарорига асосан, 2008 йил 1 январдан қисқартирилиши муносабати билан А.Жўраханов эгаллаб турган лавозимидан озод этилиб, шошилинч тиббий ёрдам бўлими шифокор-ординатори лавозимига тайинланган.

Шунингдек, жиноят ишлари бўйича Оҳангарон тумани судининг 2007 йил 3 декабрдаги ажримига асосан А.Жўрахановга нисбатан қўзғатилган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2007 йил 30 ноябрдаги **"Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн беш йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"**ги Қарорининг 6-моддасига асосан унинг айблилик масаласи ҳал қилинмай туриб, ҳаракатдан тугатилган. Қонун талабига кўра, шахсга нисбатан уни асосий жазодан озод қилган пайтда унга қўшимча жазо қўлланилмайди, шу сабабли А.Жўрахановга нисбатан муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилмаган.

Ю.ҒОИПОВ,
Тошкент вилояти прокурорининг ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси

ТАҚДИМНОМА КИРИТИЛДИ

Жарқўрғон тумани прокуратураси томонидан тумандаги "Олтин дала" фермер хўжалиги бошлиғи И.Абраимовнинг газетага йўллаган аризаси кўриб чиқилди.

Аниқланишича, 2006 йилда фермер хўжалигининг пахта ва ғалла майдонлари сув билан етарлича таъминланган ва бу ҳақда фермер хўжалиги бошлиғининг иштирокида далолатномалар расмийлаштирилган, режаларнинг бажарилмаслигига эса фермер хўжалиги бошлиғининг масъулиятсизлиги сабаб бўлган.

Бундан ташқари, "Олтин дала" фермер хўжалиги ер қонунчилиги талабларини қўпол равишда бузиб келганлиги учун вилоят хўжалик судининг 2005 йил 23 ноябрь кунги ҳал қилув қарорига кўра, туман ҳокимлиги билан фермер хўжалиги ўртасида тузилган ер участкасини узоқ муддатга ижарага бериш ҳақидаги шартнома бекор қилинган.

Бироқ, туман ҳокимлигининг эътиборсизлиги натижасида суд қарори бажарилмасдан, ер майдони фермер хўжалиги ихтиёрида қолган, оқибатда фермер хўжалиги ўз фаолиятини юқорида таъкидланганидек, масъулиятсизлик билан давом эттирган.

Текшириш натижасига кўра, туман прокурори қарори асосида ҳоким ўринбосари Ш.Чориев ва ҳуқуқшунос Р.Алламуродовлар интизомий жавобгарликка тортилган, қайд этилган қонун бузилиш ҳолатларини бартараф этиш тўғрисида туман ҳокимига тақдимнома киритилган.

Д.АБДУРАҲМАНОВ,
Сурхондарё вилояти прокурори

● Ана, холос!

ТУШДА КЎРСАНГ – ГАНЖ...МИ?

Сир эмас, бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик аҳоли бандлигини таъминлайдиган ва унинг асосий даромад манбаи бўлган муҳим бўғинга айланмоқда. Бу мамлакатимизда фаолият юритаётган тадбиркор ва ишбилармонлар бемалол фаолият юритиши учун барча ҳуқуқий асослар яратилганлигидан далолат.

Давлатнинг бизнес фаолиятига аралашуви қонун асосида чекланиб, кичик бизнес субъектларини рўйхатга олиш жараёни соддалаштирилди. Уларга микрокредитлаш ва микролизинг йўли билан кредитлар берила бошланди.

Бироқ мулкдорлар синфи шаклланаётган бир пайтда, улар орасида яратиб берилган имтиёз ва имкониятларни ўз қаричи билан ўлчаб, тадбиркорлик шаънига доғ тушираётган сохта ишбилармонлар ҳам учраб турибди. Гап банкдан олинган кредит ҳақида борар экан, қарз олувчи олинган пул маблағлари учун шартномада кўрсатилган тартибда фоизларни белгиланган муддатда тўлаши шартлигини ҳамма билади.

Қолаверса, бу жараён қай тартибда амалга оширилиши Фуқаролик кодексида ҳам ўз аксини топган. Қонунда белгиланган тартиб доирасида Ромитан туманидаги "Нодир Шоди" хусусий фирмаси ва АТ "Микрокредитбанк" Ғиждувон бўлими ўртасида 2004 йил 28 декабрда кредит шартномаси тузилган. Шартномага асосан хусусий фирма банкдан бир йил муддатга йиллик 24 фоиз устама тўлаш шарти билан озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олиш мақсадида 10.000.000 сўмлик қисқа муддатли кредит олган.

"Нодир Шоди" хусусий фирмасига қисқа муддатли кредит расмийлаштирилишида кредит таъминоти сифатида Ҳакима Ҳожиевага тегишли "ГАЗ-310290" русумли автомашина, Ромитан туманидаги "Жўрабобо" фермер хўжалигига қарашли "МТЗ-80" русумли трактор гаровга олиниб, шартнома имзоланган эди. Қўшимча суғурта қилинган мулкларнинг суғурталанганлиги тўғрисида хусусий фирма 110-сонли суғурта полисига ҳам эга.

Қарз ва унинг фоизи вақтида қайтарилмагач, АТ "Микрокредитбанк" Ғиждувон туман филиали ўтган йили 15 декабрда вилоят хўжалик судига даъво ариза билан мурожаат қилиб, ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратишни ва "МТЗ-80" русумли тракторни банк фойдасига ундириб беришни сўраган.

Энг қизиғи, тракторини гаровга қўйиб, шартномага жимжимадор имзо чеккан Бахтиёрчи қишлоғилик фермер хўжалиги раҳбари Теша Умаров 2007 йил 25 январда Россия Федерациясига жуфтакни ростлаб қолган.

Суд ишдаги мавжуд барча ҳужжатларни синчиклаб ўрганиб чиқди. Ажабланарли томони шундаки, банк ходимлари хусусий фирмага кредит ажратиш ва унинг ўз вақтида қайтарилишини назорат қилишда белгиланган тартиб-қоидаларга амал қилмаган. Тўғрироғи, олинган товар моддий бойликлар бутлиги, кредит суммаси мақсадли ишлатилганлиги назорат қилинмаган. Ҳаттоки, жавобгарнинг кредитни қайтариш имконияти-лари ҳам пухта ўрганилмаган...

Айтишларича, "Нодир Шоди" хусусий фирмаси раҳбари Бозор Рустамовнинг укаси Мурод Рустамов ва таниши Жаббор Бозоровлар банкдан кредит олиш арафасида тушларида илон кўришган экан. Таъбирчиларнинг айтишича, агар киши тушида илон кўрса, ганжга йўлиқар эмиш. Бу қанчалик рост, билмадик. Билганимиз шуки, туш кўрган кимсаларнинг иши пачава бўлиб турибди.

— 2004 йил 28 декабрь куни Мурод ва Жаббор мени Ғиждувонга олиб келишди. Банкка кириб, бир ҳужжатга қўл қўйдим. Улар қанча пул олганларини ҳам, гаровга нималар қўйганларини ҳам билмайман, — деди суд жараёнида фирма раҳбари Бозор Рустамов. — Маблағ нима мақсадда олинганидан ҳам хабардор эмасман. Фирма муҳри ва штампи менда эмас...

Кўриниб турибдики, кредит фирибгарлик йўли билан олинган. Суд гаровга қўйилган мулкни банк фойдасига ундириш билан биргаликда, АТ "Микрокредитбанк" Ғиждувон туман филиали мансабдор шахсларига нисбатан ЖКнинг 208-моддаси билан ва "Нодир Шоди" хусусий фирмаси раҳбари Бозор Рустамовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-моддаси, 3-қисми, "а" банди ва 168-моддаси, 3-қисми "а" банди билан жиноят иши қўзғатди. Иш ҳужжатлари тергов ҳаракатлари олиб бориш учун вилоят прокуратурасига юборилди.

Шуни унутмаслик керакки, мажбурият бажарилмас экан, кредит шартномаси бекор бўлмайди.

Алишер ҲАСАНОВ,
Бухоро вилоят хўжалик суди судьяси,
Валижон ЮСУПОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

● Мактуб

"ОРАСОЙ" АРОСАТДА ҚОЛМАСИН

Ҳурматли таҳририят ходимлари!

Биз "Инсон ва қонун" газетасини мунтазам ўқиб борамиз. Газетанинг жойлардаги ечилмаган муаммоларни адолатли ҳал этишда амалий ёрдам кўрсатаётганлиги тўғрисида унинг саҳифалари орқали танишиб, гувоҳ бўлаяпмиз. Нурота туманида фаолият кўрсатаётган айрим мутасаддилар томонидан қонун бузилишларига йўл қўйилаётганлиги Сизларга ушбу аризани ёзишимизга сабаб бўлди.

Биз истиқомат қилаётган "Орасой" маҳалласи Деҳибаланд қишлоқ фуқаролар йиғинининг 2005 йил 20 декабрдаги 18-сонли, Нурота тумани ҳокимлигининг 2005 йил 25 декабрдаги К-606-сонли қарорига асосан ташкил этилиб, 2006 йилнинг 11 майдаги К-196-сонли қарорига биноан давлат рўйхатидан ўтказилган.

2006 йилнинг май-июнь ойларида республикамиздаги барча маҳалла фуқаролар йиғинларида бўлиб ўтганидек, туманимиз маҳаллаларида ҳам Ўзбекистон Республикасининг **"Ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида"**ги Қонуни талаблари асосида ҳисобот — сайлов йиғилишлари бўлиб ўтди.

Шундай қилиб, Деҳибаланд қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Шомурод, Самари, Эски, Зулқайнар қишлоқлари таркибида алоҳида "Орасой" маҳалласи ташкил этилиб, Молия вазирлигининг 2006 йил 14 июлдаги ША 21-3-273-сонли буйруғига асосан вилоят молия бошқармасидан "Орасой" маҳалла фуқаролар йиғинига штат бирликлари ажратиш топширилганлигига қарамай, фуқаролар йиғини молиялаштирилмай келинди.

Ваҳоланки, вилоят молия бошқармасининг 29 мартдаги №07-611354 сонли хати орқали фуқаролар йиғинини молиялаштириш маълум қилинган эди. Аммо юқоридаги ҳужжатлар қоғозда қолиб кетавергач, 2007 йилнинг май ойида туман прокуратураси ва вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилишга мажбур бўлдик. Туман прокуратураси томонидан мурожаатимиз жавобсиз қолдирилди. Адлия бошқармасидан эса "Орасой" маҳалла фуқаролар йиғинини зудлик билан молиялаштириш ва камчиликларга йўл қўйган мансабдор шахсларга тегишли чора кўриш сўралган тақдимнома чиқарилди. Ана шу тақдимнома асосида фуқаролар йиғини июнь ойида молиялаштирилди. Минг афсуски, қувончимиз узоққа бормади. Туман ҳокимининг 16 июндаги 244-сонли қарори билан туман прокуроринининг 2007 йил 8 июлдаги протести асос қилиниб, йиғин фаолияти тўхтатилди.

Бундай кўр-кўрона қарорлар туман ҳокимлиги ҳуқуқшуноси Н. Эшонқулов томонидан тайёрланганлиги, туман прокуроринининг 8 июлдаги протести қандай қилиб, ҳокимликнинг 16 июндаги қарорига асос бўлиши мумкинлиги кишини таажжублантиради.

Энг ачинарлиси, бизнинг "Орасой" аросатда қолиб кетиб, унга ажратилган маблағ ва штат бирликлари янги "Тумор" маҳалла фуқаролар йиғинига берилганлигига қандай баҳо бериш мумкин? Хуллас, "Тумор" маҳалла фуқаролар йиғинини ташкил этиш тўғрисида туман ҳокимининг қарори ҳам чиқарилди. Йиғилиш қачон ва қаерда, ким томонидан ўтказилганлиги номаълум бўлса-да, "ишбилармон" юрист Н. Эшонқулов ҳомийлигида "Тумор" маҳалласи дарров молиялаштирилди. Биз "Орасой"ликларнинг оҳини эшитадиган киши топилмади.

Биз маҳалла фаоллари ўзимизнинг ҳақ-ҳуқуқларимизни ҳимоя қила олмасак, фуқароларимизнинг ҳуқуқларини қандай ҳимоя қиламиз?...

Бир гуруҳ маҳалла фаоллари номидан

Сувон НУРМАТОВ,
Маҳмуд ШОДИЕВ,
Тўхтамурод НУРБОЕВ

Юксак ҳуқуқий маданият демократик жамият пойдевори ҳамда ҳуқуқий тизим етуклигининг ифодасидир. У жамиятдаги турли хил ҳаётий жараёнларга фаол таъсир кўрсатувчи, фуқароларнинг, барча ижтимоий гуруҳларнинг жипслашувига кўмаклашувчи, жамиятнинг яхлитлиги ҳамда батартиблигини таъминловчи ва мустаҳкамловчи омилдир. Қонунни ҳурмат қилиш ҳуқуқий жамиятнинг, сиёсий ва ҳуқуқий тизимлар самарали фаолият кўрсатишининг асосий талабларидан бири ҳисобланади.

● Ёдингизда бўлсин

НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР

уларнинг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш қонун устуворлигини таъминлашнинг бирламчи шарти

Қонун ҳужжатларининг қўлланиш амалиёти шуни яққол кўрсатадики, талайгина ҳуқуқбузарликлар, шу жумладан, мансабдор шахслар томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари камситилиши ҳоллари ҳуқуқий билимнинг етарли эмаслиги оқибатидир.

Давлат ҳокимияти органлари ва хўжалик бошқаруви идораларида қонун ҳужжатларини мужассамлаштириш айни шу идора ходимларининг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини юксалтирибгина қолмай, балки энг аввало, мазкур идорада ҳуқуқни қўллаш амалиётининг лозим даражада олиб борилишини таъминловчи муҳим омил бўлиб ҳам хизмат қилади.

Ҳуқуқни қўллаш амалиётини ягона тартибда амалга оширишнинг асосий шарти барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳуқуқни қўлловчи идораларда мавжуд бўлиши, янгиланаётган ва янгидан қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг ходимлар томонидан ўз вақтида ва тўлиқ ўзлаштирилиши ҳамда кейинги фаолиятларини улар асосида олиб боришлари лозимлиги бўлиб ҳисобланади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш борасидаги фаолият етарли даражада йўлга қўйилган бўлиб, мазкур вазифани бажариш алоҳида таркибий тузилма ёхуд масъул ходимларга расмий тартибда юклатилган. Ушбу органларда янгиланаётган ва янгидан қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қисқа муддатда ўзлаштириш амалиёти йўлга қўйилган.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 августдаги "Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тарқатиш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 16-бандига асосан давлат ва хўжалик бошқарув органлари меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг туркумлаштирилган ҳисоби юритилишини таъминлашга мажбурдирлар. Ўзбекистон Репсубликаси Вазирлар Маҳкамаси қарорининг мазкур талаби ижросини таъминлаш мақсадида Адлия вазирлигида давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш қоидалари ишлаб чиқилди ҳамда 2007 йилнинг июнь ойида давлат рўйхатидан ўтказилди. Қоиданинг биринчи бандида қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш тушунчаси берилган бўлиб, унга мувофиқ туркумлаштириш норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқларининг классификатори асосида код бериш, уларни махсус журналга ҳисобга олиш ва қонун ҳужжатларининг назорат нусхаларини олиб боришдан иборатдир.

Бинобарин, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг махсус журналда ҳисобга олиниши ва уларга код бериш амалиётининг йўлга қўйилиши, муайян соҳада амалда бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлиш имкониятини вужудга келтиради ва бу давлат ҳокимияти ҳамда хўжалик бошқаруви органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётида келиб чиқиши мумкин бўлган турли муаммоларнинг олдини олишга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Қоиданинг 7-бандига мувофиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги, уларни тўлиқ ёки қисман ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар махсус журналга алоҳида киритилади. Шуни эътироф этиш керакки, қоиданинг мазкур талаби бажарилиши натижасида фойдаланувчи қисқа муддатда ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган, ўз кучини йўқотган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақида тўлиқ маълумот олиши мумкин бўлади.

Қоидада норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг назорат нусхасига таъриф берилган бўлиб, унга мувофиқ ҳужжатнинг назорат нусхаси шу ҳужжатга киритилган барча ўзгартиш ва қўшимчалар, ҳужжатни тўлиқ ёки қисман ўз кучини йўқотган деб ҳисобланганлиги, ҳужжатнинг тўлиқ ёки қисман амал қилиш муддатини узайтириш ёхуд амал қилишини тўхтатиб туриш ҳақидаги маълумотлар киритилган нусхаси ҳисобланади.

Давлат ҳокимияти ва хўжалик бошқаруви органларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг назорат нусхаларининг юритилмаслиги уларнинг ўз ваколатларини қонун ҳужжатлари талабларига тўла мувофиқ ҳолда амалга оширишларига салбий таъсир кўрсатади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси давлат органлари фаолиятининг қабул қилинаётган қонунларга тўлиқ мувофиқ келишига бевосита боғлиқлигини ҳеч ким инкор эта олмайди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, юқорида қайд этилган қоиданинг қабул қилиниши қонун ҳужжатларини туркумлаштириш борасидаги фаолият субъектларига муайян масъулият юклаши баробарида бу фаолиятни сифат жиҳатидан янгича босқичга олиб чиқади.

Анвар РАҲМАТОВ,
ҳуқуқшунос

● Халқаро меъёр

БЕҒУБОР БОЛАЛИК...

дунёнинг эртаси, чин маънодаги келажакдир

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорига асосан 1992 йил 9 декабрда мамлакатимиз "Бола ҳуқуқлари" халқаро Конвенциясига қўшилган. Шуни таъкидлаш жоизки, болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича амалда бўлган қонунчилик Конституциямиз нормаларини Бола ҳуқуқлари ҳақидаги Конвенцияга мувофиқ ҳолда такомиллаштиришга йўналтирилган.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ва Оила кодексларининг ҳаётга татбиқ этилиши бола ҳуқуқлари ҳимояси бўйича қонунчилик ривожига жиддий ҳисса бўлиб қўшилди. 2008 йилнинг 8 январидан кучга кирган **"Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"**ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бола ҳуқуқлари ва эркинликларини давлат томонидан кафолатловчи яна бир алоҳида ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, ўсиб келаётган авлодга ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир, шунингдек мазкур қонун бола ҳуқуқлари ҳимояси, янги даражага кўтарилишига замин яратади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бола ҳуқуқлари қўмитаси 42-сессиясида Ўзбекистоннинг иккинчи Миллий маърузаси ҳақида Тавсиялар олинди, уларда болалар фаровонлигини ошириш ва бахт-саодатини таъминлаш бўйича умумий ҳаракатлар ва йўналишларнинг янги услублари глобал миқёсда белгилаб берилди. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий комплексининг 2007 йил 15 январдаги мажлисида маъқулланган **"Ўзбекистонда болалар фаровонлигини таъминлаш бўйича ҳаракат Дастури"**-ни амалга ошириш бўйича муҳим тадбирлар ишлаб чиқилди ва бу эзгу ишларга барча вазирликлар ва мутасадди ташкилотлар масъул эканлиги қайд этилди. Шундан келиб чиқиб, 2007 йил 16 февраль куни тасдиқланган **"Ўзбекистонда болалар фаровонлигини таъминлаш бўйича Адлия вазирлигининг 2007-2008 йилларда амалга оширадиган тармоқ Дастури"** ижроси барча адлия органлари ва муассасалари томонидан изчил таъминланмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан ҳаракат дастурининг ижросини таъминлаш юзасидан 1041та ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилди. Жумладан, ҳудудий адлия органлари ходимлари томонидан "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенция қоидаларини тушунтиришга қаратилган "Ювенал адлия тизимининг ҳуқуқий асосларининг шакллантирилиши", "Болаларнинг таълим олиш ҳуқуқлари" мавзуларида аҳолининг кенг қатламлари ўртасида, қишлоқ ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинларида маҳаллий ҳокимият, давлат ва жамоат ташкилотларининг вакилларини жалб этган ҳолда 100 га яқин сайёр тематик семинарлар ўтказилди. Бу борада жойларда 302 та давра суҳбатлари, 389 та тушунтириш ишлари олиб борилди.

Шунингдек, 2007-2008 ўқув йилидан бошлаб "Халқаро ҳуқуқ", "Жиноят ҳуқуқи", "Жиноят процесси", "Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар" йўналишларидаги магистратура тингловчилари учун "Бола ҳуқуқлари" фани бўйича 42 соат ҳажм миқдорида дарслар ўқитилмоқда.

Ҳудудий адлия идоралари, халқ таълими бўлимлари ва бошқа мутассадди ташкилотлар билан биргаликда жойларда умумтаълим мактаб ўқувчилари ўртасида мунтазам равишда "Сиз қонунни биласизми?", "Ўз ҳуқуқингни биласанми?" мавзуларида вилоят кўриктанловлари ўтказиб келиняпти.

Кези келганда шуни айтиш лозимки, кейинги пайтларда айрим мактаб, ўрта ва олий таълим муассасаларида ёшларга, болаларга тижорат йўллари билан ишланаётган турли фильмларга тушиш учун мажбуран чипта сотиш ҳоллари учрамоқда. Лекин маиший мавзудаги фильмдан у ўзига маънан нима олади? Бу унинг тарбиясига бир қадар салбий таъсир кўрсатмасмикан? Арзимасдек туюлса-да, назаримизда шу соҳага масъул кишилар бу ҳақда жиддий ўйлаб кўрсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ҳуқуқий тарбия ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга хизмат қилади. Бола дунёга келгач, оила, боғча, мактаб ва маҳалла қучоғида яшайди, вояга етади ва тарбияланади. Шу туфайли бола онгида ҳуқуқий маданиятни ўстира боришда оила, боғча, мактаб, маҳалла ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини яратиш боланинг ҳуқуқий билим савиясини оширишга катта ёрдам беради.

Самира САИДГАЗИЕВА,
Адлия вазирлигининг
масъул ходими

Дунё нигоҳи

ЎЛИМ САБАБИ аниқланди

Покистон мухолифатининг етакчиси, марҳум Беназир Бхутто хоним террорчи ўқидан эмас, балки кучли портлаш зарбаси оқибатида боши машинага урилиб, ҳаётдан кўз юмганлиги аниқланди, дея хабар беради «The New York Times» газетаси.

Беназир Бхутто ўлими юзасидан тергов-суриштирув олиб борган Скотлан-Ярд полицияси шундай хулосага келди ва бу ҳақдаги маърузани Покистон президенти Парвез Мушаррафга тақдим этди.

Экспертлар шуни аниқлашдики, террорчи отган учта ўқнинг бирортаси Б. Бхуттога тегмаган, фақат битта ўқгина унинг рўмоли ва сочини юлиб ўтган. Шундан сўнг террорчи ўзини портлатган ва бу Бхутто ўлимига сабаб бўлган.

ИҚТИСОДИЁТНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ режаси маъқулланди

АҚШ Конгресси сенати мамлакатнинг инқирозга юз тутаётган иқтисодиётини соғломлаштириш бўйича ишлаб чиқилган, 167 миллиард долларлик маблағ ажратилишини назарда тутувчи режани маъқуллади.

Ушбу лойиҳага кўра, йиллик даромади 75 минг ва оилавий даромади 1,2 мингдан 150 минг долларгача бўлган жисмоний шахсларга даромад солиғининг маълум қисми — 600 доллари қайтарилади.

Даромад солиғи олинмайдиган шахсларга эса, яъни йиллик даромади 3 минг долларгача бўлганлар (шу жумладан, пенсия тўловлари, ногиронлик нафақаси оладиганлар)га 300 долларлардан пул берилади.

Бу ҳақда «Associated Press» АА хабар тарқатди.

МАФИЯ АЪЗОЛАРИ қамоққа олинди

Италия ва АҚШнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳамкорликда Сицилия мафиясига қарши «Эски кўприк» деб номланган операция ўтказди.

Нью-Йорк шаҳрида амалга оширилган «тозалов» натижасида Федерал текширув бюроси агентлари Гамбино уюшган гуруҳининг 50 дан ортиқ аъзосини қамоққа олган бўлса, Сицилиянинг Палермо шаҳрида эса маҳаллий полиция ушбу гуруҳнинг 30 га яқин одамини ҳибсга олди.

«Би-би-си» хабарига кўра, ушбу жиноий гуруҳ Атлантика океани орқали гиёҳванд моддалар контрабандаси билан шуғулланганликда, қаллоблик ва товламачиликда айбланмоқда.

16 НАФАР ГЕНЕРАЛ жиноий жавобгарликка тортилди

Россия Федерацияси бош ҳарбий прокуратурасининг 2007 йил якунларига бағишланган кенгайтирилган йиғилишида бош ҳарбий прокурор Сергей Фридинский шуни таъкидладики, ўтган йили қилган жинояти учун 16 нафар генерал, 108 нафар полковник, 244 нафар ҳарбий қисм командири жиноий жавобгарликка тортилган.

Зобитлар томонидан 3 минг 728 та жиноят содир этилган. Бу армиядаги умумий жиноятчиликнинг 20 фоизини ташкил этади. Буларнинг асосийси таъмагирлик характеридаги жиноятлардир.

Хўш, юқорида қайд этилган кўрсаткичлар кўпми ёки оз? С. Фридинскийнинг айтишича, аввалги йилга нисбатан 20,3 фоизга камдир.

600 МИНГ ДОЗА вакцина керак

Кейинги 34 йилда илк бор мамлакатда тарқалган сариқ безгакка қарши чора қўллаш учун Парагвай маъмурияти халқаро тиббий ташкилотлардан 600 минг доза вакцина етказиб беришларини сўради.

«Associated Press» АА хабар беришича, ўтган ҳафта Сан-Педрода сариқ безгакка чалинган 5 та ҳолат рўйхатга олинган. Шунинг учун мамлакат маъмурияти Сан-Педронинг барча аҳолиси (1 ёшдан 60 ёшгача) ушбу касалликка қарши эмланишини эълон қилди.

Манбаларга қараганда, Парагвайда 100 минг дозага яқин вакцина бор, холос. Бу касалликка қарши профилактика ўтказишга етмайди.

Барча соҳалар қатори соғлиқни сақлаш тизимида ўтказилаётган туб ислоҳотлар самараси тиббиёт муассасаларида фаолият юритувчи кадрларнинг билим ва малакасига ҳам узвий боғлиқ. Шу боис бу борада етук мутахассислар тайёрлаш, тиббиёт ўқув даргоҳларида талабалар ва ўқитувчиларга ҳар томонлама замонавий шарт-шароитлар яратишга катта эътибор қаратиляпти.

● Таълим

ИСТИҚБОЛИМИЗ ЧЕЧАКЛАРИ

1993 йилдан фаолиятини бошлаган Ҳазорасп тиббиёт коллежида ҳам вилоят шифохоналари учун мутахассислар — ҳамширалар, фельдшер ва лаборантлар тайёрлашда намунали ишлар қилиняпти. Айни пайтда 1300 дан зиёд ўқувчи "Даволаш иши", "Лаборатория диагностикаси", "Ҳамширалик иши" йўналишлари бўйича билим олмоқдалар. Уларга илм ва касб сирларини пухта ўргатаётган 80 нафар малакали мутахассиснинг беш нафари олий тоифали, 29 нафари 1-тоифали, 14 нафари 2-тоифали ўқитувчилардир. Коллеж талабалари ўқув ишлаб чиқариш амалиётларини режа асосида даволаш-профилактика муассасаларида ўтказмоқда. Бу борада туман соғлиқни сақлаш бўлими билан ҳамкорликда Ҳазорасп, Боғот, Питнак шифохоналари билан ўқув даргоҳи ўртасида шартномалар тузилган. Туман шифохонаси бўлимларида ташкил қилинган амалиёт хоналарида талабаларнинг билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашлари учун зарур шарт-шароитлар яратилганлиги ўқитиш самарадорлигини оширишда муҳим омиллардан бири бўлаётир. Билим масканидаги 65 та ўқув хонаси замонавий жиҳозлар билан таъминланган, медицина пункти, шинам ва қулай ётоқхона ўғил-қизлар ихтиёрида. Ўқувчилар замонавий компьютерлар ёрдамида ўз билим доираларини кенгайтиришга, фанлар ва касб сирларини уларга доир янгиликларни пухта ўрганишга интиладилар.

Ахборот-ресурс маркази ўқувчиларнинг севимли даргоҳига айланган. Бу ерга жамланган 10 мингдан ортиқ китоблар орасида фарзандларимиз ўзлари қизиққан дарслик ва қўлланмалар, бадиий китобларни мутолаа қилиш имконига эга бўлишяпти.

Спортсевар ўғил-қизлар ўзлари севган спорт тури билан шуғулланишлари учун барча шароитлар мавжуд, бу эса уларнинг тенгдошлари ўртасида ўтказилаётган турли мусобақаларда яхши натижаларга эришишларига замин яратяпти.

Фарзандларимизнинг маънан баркамол, билимли, жисмонан соғлом бўлиб вояга етишлари учун коллеж жамоаси астойдил интилмоқда. Маънавий ва маърифий йўналишдаги ишлар режаси асосида қўплаб тадбирлар ўтказиб келинаётир. Коллежда маънавият ва маърифат кенгаши, ота-оналар кенгаши, гуруҳ раҳбарлари кенгаши, хотин-қизлар кенгаши доимий фаолият юритади. Бу кенгашлар ёрдамида ўтказилаётган тадбирлар, маънавият сабоқлари фарзандларимизни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат руҳида маънан етук қилиб тарбиялашга қаратилган.

(Ўз мухбиримиз)

● Соҳа мутахассислари

ЭЛГА ЯҚИН КЎМАКДОШМИЗ

Юртимизда ҳуқуқий давлат барпо этиш, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга ошириляпти. Бу жараёнда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, жумладан, адлия тизими ходимлари ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Сирдарё вилоятининг Оқ Олтин тумани давлат нотариал идораси нотариуси Нодира Тошхўжаеванинг иш фаолияти билан танишганимизда, бунга яна бир бор амин бўлдик.

— Амалдаги қонунчилигимизда мавжуд ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар асосида изчил фаолият юритамиз, — дейди Нодира Тошхўжаева. — Чунки оддий гувоҳноманинг ҳақиқий эканлигини тасдиқлашдан тортиб, уйжой олди-сотдисигача бўлган нотариал хатти-ҳаракатлар тегишли қонун ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

Туманимизда айни пайтда 50 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Бундан ташқари, давлат ташкилотлари, хусусий тадбиркорлар нотариал идораларга мурожаат қилишади. Айниқса, ширкат хўжаликлари тугатилиб, улар негизида 900 дан зиёд фермер хўжаликлари ташкил этилгач, ишимиз янада кўпайди.

— Ушбу соҳада неча йилдан бери фаолият юритасиз, нотариал идоранинг бошқа ҳуқуқий идорадагилардан фарқли жиҳатлари хусусида тўхталсангиз.

— Нотариат соҳасида фаолият бошлаганимга 20 йилча бўлиб қолди. Ўз соҳасини яхши билмаган киши қаерда ишламасин ўз ўрнини топиши қийин. Тўғри, нотариуснинг иши бир қарашда унчалик кўзга ташланмайдигандай. Нотариус суд ва прокуратура ходимлари, адвокатлар каби ҳамиша одамлар орасида бўлмайди. Аммо вазифасининг аҳамияти катта ва муҳим. Айтайлик, кундалик турмушда учраб турадиган турли ҳолатлар, жумладан, васиятномаларни тайёрлаш ва тасдиқлашни олайлик. Бунинг учун давлат нотариуси васиятнома қолдирувчи шахс билан гувоҳлар иштирокида мулоқотда бўлиши, унинг нотариал идорага келиш имконияти бўлмаса, шахсан ўзи унинг олдига бориши, жамоатчилик вакиллари, заурат туғилганда эса мутахассис-шифокор иштирокида ҳужжат тайёрлаши зарур. Акс ҳолда васият қилинган мулк билан боғлиқ жиддий можаролар келиб чиқиши ҳеч гап эмас.

— Сиз халқ депутатлари туман кенгашининг депутати экансиз. Сайловчиларингиз ўз муаммолари билан тез-тез мурожаат этиб туришса керак?

— Албатта, сайловолди учрашувларида номзод сифатида уларга, жумладан, ҳуқуқий масалаларда қонун доирасида ёрдам қилишга ваъда берганман. Икониятларим даражасида ўз сўзимнинг устидан чиқишга ҳаракат қилаяпман.

Оқ олтин туманидан қайтаётиб, туман ҳокимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Ойдин Асророванинг:

— Нодира туманимиздаги энг фаол аёллардан бири. Давлат нотариуси сифатида ҳам, туман кенгашининг депутати сифатида ҳам жамоатчилик ишларида ҳамиша фаол иштирок этади. Ўзининг қатъий фикри, дунёқарашига эга. Шу боис ҳам туманда эл ҳурматини қозонган, — деган сўзлари бежиз айтилмаганига амин бўлдик.

Абдуғаффор ОМОНБОЕВ,
"Инсон ва қонун"
мухбири

Тизим тадбирлари

ГУРУҲ ТАРКИБИ ТАСДИҚЛАНДИ

Бухоро вилояти адлия бошқармасида янги таҳрирдаги Солиқ кодекси ҳамда "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун ва уларни амалиётга татбиқ этиш бўйича ўқув-семинар машғулоти бўлиб ўтди.

Йиғилишда Бухоро шаҳар солиқ инспекцияси ходимлари, адлия бошқармаси, ФҲДЁ ва нотариал идоралари ходимлари иштирок этишди.

Ўқув-семинарда янги таҳрирдаги Солиқ кодекси ва **"Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"**ги Қонунда белгиланган меъёрлар, мазкур ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти хусусида сўз юритилди.

Ўқув-семинар машғулоти савол-жавоб тарзида ўтди. Мазкур кодекс ва Қонунни аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш муҳим вазифа эканлиги таъкидланди.

Адлия бошқармасида ушбу ҳужжатларни кенг тушунтириш бўйича масъул ходимлардан иборат тарғиботчилар гуруҳи таркиби тасдиқланди.

Шаҳлола МАЛИКОВА,
Бухоро вилояти адлия бошқармаси ходими

Мамлакатимиз фуқаролари ўзлари истаган давлат органлари, мансабдор шахслар ёки ташкилотларга мурожаат қилиш ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун билан кафолатланган. Шунингдек, амалдаги қонунларимизда фуқароларнинг ариза ёки шикоят билан мурожаат қилиш тартиби мавжуд.

● Изоҳ

МУРОЖААТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

Фуқаро мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланаётган вақтда бошқа шахсларнинг, жамият ва давлатнинг манфаатига зарар етказмаслиги шарт. Шунингдек, фуқароларнинг мурожаатлари оғзаки ёки ёзма шаклда бўлиши ҳамда якка тартибда ёхуд жамоа томонидан берилиши мумкин. Мурожаатда муаллифнинг исми ва фамилияси, яшаш жойи кўрсатилмаган ёки у ҳақида сохта маълумотлар кўрсатилган, имзо қўйилмаган бўлса, аноним ҳисобланади ва кўриб чиқилмайди.

Мурожаатда қўйилган масала ваколат доирасига кирмайдиган давлат органига юборилган бўлса, бу мурожаат беш кун ичида тегишли органга юборилиши ва муаллифга бу ҳақда маълум қилиниши лозим.

Ариза ва шикоятлар бир ойгача бўлган муддат ичида, қўшимча текширишни талаб қилмайдиганлари эса ўн беш кундан кечиктирмай кўриб чиқилади. Шунингдек, мурожаатни кўриб чиққан давлат органи фуқарога унинг натижалари, қабул қилинган қарорнинг моҳияти ҳақида ёзма хабар қилиши шарт. Бундан ташқари, мурожаат муаллифига қабул қилинган қарордан норози бўлган тақдирда қарор устидан шикоят қилиш тартиби тушунтирилиши лозим.

Фуқаролар мурожаат қилаётганда мавжуд тартибга риоя этишлари мақсадга мувофиқдир. Баъзи ҳолатларда туман ҳокимлиги ёки туман микёсидаги давлат органи, корхона ёхуд ташкилот ваколатига кирувчи масала бўйича Республика миқёсидаги ўнга яқин давлат органларига ариза ёзишлар ҳам учрайди. Шу сабабли ҳам мурожаатда кўтарилаётган масаланинг ечими айнан қайси давлат идораси билан боғлиқ эканлигини яхши англаб етиш керак. Бу борада мурожаат қилувчи фуқароларимиз адвокатлар ва ҳуқуқшуносларнинг маслаҳатлашишса, мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки беҳуда вақт йўқотишмайди.

Умуман олганда, мурожаат қилувчи фуқаро ва мурожаатни ҳал қилувчи мансабдор шахс ҳам бирдай амалдаги қонун талабларига риоя этмоқлари шарт. Асосий масала ҳуқуқимизни бузилган, деб ҳисоблаб, ариза ва шикоят билан мурожаат қилаётган вақтимизда давлат, жамият ва бошқа фуқароларнинг манфаатига зарар етказмаслигимиз лозим. Зеро, демократия қонунлар доирасидаги эркинлик экан, ҳуқуқ ва эркинликларимизни ҳам фақат амалдаги қонунлар доирасида ҳимоя қилмоғимиз лозим.

Абдушукур ОМОНОВ,
Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ташкилий назорат гуруҳи раҳбари

ДЕМОКРАТИЯ КЎЗГУСИ

Тошкент вилояти адлия бошқармаси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, вилоят ҳокимлиги ва Ўзбекистон Нодавлат-нотижорат ташкилотлари Миллий Ассоциацияси иштирокида "Ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг долзарб масалаларини ҳал этишда ННТ ва жойлардаги ҳокимият органларининг ҳамкорлиги" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Йиғилишда республикадаги нодавлат-нотижорат ташкилотлар фаолиятининг мавжуд ҳуқуқий асослари ҳақида, уларнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётимиздаги фаол иштироки ҳамда давлат бошқарувидаги муҳим ўрни юртимиздаги барқарор демократия кўзгуси эканлиги таъкидланди.

Наргиза МАҲКАМОВА,
Тошкент вилояти адлия бошқармасининг етакчи маслаҳатчиси

● Юридик хизмат

ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТ

Давлатимизнинг иқтисодий муносабатлар негизини ташкил этувчи мулкчилик шакли ўзининг хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Конституциямизнинг 53-моддасига мувофиқ, давлат барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди. Шундан келиб чиқиб, мулкчиликнинг давлат, жамоа, ҳиссадорлик турлари билан бир қаторда хусусий мулкчиликка ҳам йўл қўйилди.



Хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқий ҳолати бошқа мулк эгаларининг ҳуқуқий ҳолати билан тенглаштирилди ва хусусий мулкнинг бошқа мулк шакллари каби дахлсизлиги кафолатланди. Шу каби давлат ва жамият ҳаётида юз бераётган кўплаб ислоҳотлар ва ўзгаришлар шароитида юридик хизмат керакми, деган савол туғилиши табиий эди.

Бозор инфраструктурасини шакллантириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш каби жараёнлар мураккаб ҳуқуқий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Уларни ҳал этиш эса ҳаётий заруратга айланмоқда. Шунинг учун ҳам барча босқичдаги юридик хизматларнинг бир маромда самарали фаолият кўрсатиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Дарҳақиқат, ҳозирда давлат ва жамият ҳаётида юридик хизматнинг аҳамияти катта бўлмоқда. Шу боис мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш шароитларида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фаолиятида қонунийликни мустаҳкамлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, сифатини яхшилаш, юридик хизматнинг роли ва жавобгарлигини оширишга доир ҳукумат қарорлари ва ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд.

Мазкур қарор ва низомларда белгиланишича, юридик хизмат бевосита давлат органининг раҳбарига бўйсунади. Давлат органининг юридик хизмати ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, мамлакат Президентининг Қарор ва Фармонларига, ҳукуматнинг қарорлари ва бошқа ҳужжатларига амал қилади. Давлат органи юридик хизмати ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятида бевосита қатнашади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тизимлаштирилган ҳисобини белгиланган талабларга мувофиқ юритиш, аҳолининг ҳуқуқий-маданияти ва ҳуқуқий саводхонлигини оширишда қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмуни ва моҳиятини уларга етказиш, давлат органи ва унинг тизимига кирадиган бўлинмалар, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятида қонунийликни таъминлашга кўмаклашиш, шартномавий-ҳуқуқий ва талабнома-даъво ишларини юритишда қатнашиш, судларда ва бошқа идораларда давлат органининг мулкий ва бошқа манфаатларини ҳимоя қилиш каби вазифаларни бажаради. Шу сингари вазифалар юридик хизмат ходимидан катта масъулият ва жавобгарликни талаб этади.

Дарҳақиқат, бугун юридик хизматга эҳтиёж сезилар экан, уни замон талабига мослаштириб бормоқ зарур. Шунда мустаҳкам қонунчилигимиз барқарор ва собит-қадам бўлади.

Зоҳиджон ҚЎЧҚОРОВ,
Тошкент шаҳар адлия бошқармаси ходими

НОТАРИУС БИЛАН УЧРАШУВ

Адлия вазирлиги малака комиссиясининг аъзоси, Каттақўрғон шаҳар 1- давлат нотариал идорасининг катта нотариуси Матлюба Ниғматова яқинда шаҳардаги Ф.Хўжаев номли маҳаллада "Меросга бўлган ҳуқуқ" мавзуида давра суҳбати уюштирди.

Учрашувда маҳалла аъзолари ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилдилар. Шунингдек, давра суҳбатида ёш оилаларга бериладиган кредитлар, тадбиркорлик билан шуғулланиш учун талаб қилинадиган ҳужжатлар ва уларни расмийлаштириш борасида ҳам саволжавоб бўлиб ўтди.

Учрашувда маҳалла оқсоқоли А.Боқиев, ёшлар номидан Р.Абдиева, кекса отахон Х.Эрдоновлар сўзга чиқиб, бугунги сиёсат, ёшларга кўрсатилаётган эътибор, юрт тинчлиги ва фаровонлиги йўлида ҳукумат олиб бораётган саъй-ҳаракатлар ҳақида алоҳида тўхталдилар.

Азим ҚОДИРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

● Суд ҳокимияти

ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизими қурилишининг мутлақо янги шакли амалда жорий этилди.

Бу инсон манфаатлари, жамиятимизнинг барча соҳаларини демократлаштириш мақсадида юритилаётган оқилона сиёсатда яққол намоён бўлди ва устувор аҳамият касб этиб келмоқда.

Ўзбекистон Конституциясининг 13-моддасига мувофиқ, демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини тан олиш, уларга риоя қилиш ва ҳимоялаш давлатнинг вазифасига киради. Бундан ташқари, инсон ҳуқуқларига риоя қилиш жамиятнинг жипслашуви ва мамлакатни барқарор ривожлантириш учун замин яратади.

Бугунги кунда халқаро ҳамжамият иқтисодий тараққиёт ва ижтимоий барқарорликни сақлаш ҳамда жамиятни барқарор равнақ топтириш муаммоларини ҳал этиш борасида ўзаро мувозанатни таъминлаш учун, жумладан, ҳуқуқ ва ҳуқуқни қўллаш институтларини ривожлантириш орқали қулай шарт-шароитлар яратиш йўлларини изламоқда.

Ўзбекистон Республикаси мустақил ривожланиш йилларида ҳуқуқий қурилиш соҳасида, қонун ижодкорлиги ва ижтимоий ҳаётининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш борасида улкан муваффақиятларга эришди. Мамлакат тараққиётининг янги аср бошларидаги стратегияси мазмунини эркинлаштириш, адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш ғоялари ташкил этади.

Бугунги кунда Ўзбекистон ўзининг янги умуминсоний ва миллий қадриятларимиз уйғунлиги замирида яратилган ҳуқуқий доктринасига эга.

Давлат механизмида суд ҳокимияти мустақиллиги ва эркинлигининг қарор топиши ушбу ислоҳотларнинг амалдаги босқичининг асосий натижаси сифатида намоён бўлмоқда.

Бугун Ўзбекистонда суд ҳокимияти давлат ҳокимиятининг барча зарур хусусиятларига эга. У давлатда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини, жамиятни ижтимоий қарама-қаршиликлардан ҳимоя қилишга қодир, барқарорлаштирувчи куч ҳисобланади.

Ислоҳотлар жараёнида одил судловдан фойдаланиш даражасини кенгайтириш масаласи ижобий ечимини топди. Фуқаролар, юридик шахслар, жамоат бирлашмалари ва ташкилотлар ўз ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини судда реал ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлди.

Давлат механизмида суд ҳокимиятининг ролини ошириш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш масалалари, ўз навбатида; судьялар мақомини мустаҳкамлашни тақозо этади. Қонун ҳужжатларида судьялар мустақиллиги кафолатлари белгиланган. Судьялар мустақиллиги, аввало уларни қонунда белгиланган тартибда судьяликка сайлаш, тайинлаш ва судьяликдан озод этиш орқали таъминланади. Одил судлов сифати конституциявий масала ҳисобланади. Бу эса судларга алоҳида жавобгарлик юклайди. Жамиятнинг конституциявий барқарорлиги судларнинг самарали фаолиятига боғлиқ. Бугун кўплаб ҳуқуқий қоидалар ва принциплар юзага келаётган глобал таҳдид ҳамда хавфлар сабабли қайта кўриб чиқилаётган ва қайта баҳоланаётган бир пайтда судлар фуқаролик, ижтимоий-сиёсий ва сиёсий ҳуқуқларни ҳимоя қилишни кучайтириши, жамиятни ҳуқуқий соҳа доирасида янада ривожлантиришни таъминлаши даркор.

Ўзбекистонда суд ҳокимиятини мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини таъминлаш ва одил судловни такомиллаштириш масалаларига комплекс ёндашув давлат ва жамият манфаатларига тўлиқ жавоб беради ҳамда амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида мамлакатимиз тараққиётининг муҳим омили ҳисобланади.

Икром ЭРГАШЕВ,
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети 2-курс талабаси

Мамлакатимизда микрокредит бериш "Марказий банк тўғрисида"ги, "Микрокредит ташкилотлари тўғрисида"ги, "Микромолиялаш тўғрисида"ги Қонунлар, Президентимизнинг 2006 йил 5 майдаги "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони, "Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига бюджетдан ташқари жамғармалар ва "Тадбиркорбанк" кредит линиялари ҳисобидан микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида"ги низом, "Микрокредит ташкилотлари томонидан молиявий операцияларни амалга ошириш қоидалари" сингари ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар орқали тартибга солинади.

● Банк тизими

МИКРОКРЕДИТ БЕРИШ ва унинг ҳуқуқий асослари хусусида

Микрокредитни микроқарз ва микролизингдан фарқлаш лозим. "Микромолиялаш тўғрисида"ги Қонуннинг 4-моддасига мувофиқ, микрокредит қарз олувчи тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун энг кам иш ҳақининг минг баравари миқдоридан ошмайдиган суммада тўловлилик, муддатлилик ва қайтариш шартлари асосида бериладиган пул маблағларидир. Микрокредит қарз олувчига пул маблағларини шартномага мувофиқ муайян мақсадлар учун ишлатиш шартлари асосида (мақсадли микрокредит) берилиши мумкин.

Микроқарз эса микрокредит ташкилотлари томонидан жисмоний шахс бўлган қарз олувчига энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдоридан ошмайдиган суммада муддатлилик ва қайтариш шартлари асосида, шартномада назарда тутилган ҳолларда эса тўловлилик шарти асосида ҳам бериладиган пул маблағларидир.

Микролизинг микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилот томонидан лизинг олувчининг топшириғига биноан учинчи тарафдан мол-мулк олиш ҳамда унга эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг олувчига шартномада белгиланган шартлар асосида ҳақ эвазига бериш назарда тутиладиган хизматдир. Микролизинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун лизинг тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ энг кам иш ҳақининг икки минг баравари миқдоридан ошмайдиган суммада берилади.

Маълумки, микрокредит бериш асосан "Микрокредит" акциядорлик тижорат банки орқали амалга оширилади. Ушбу банк Президентимизнинг 2006 йил 5 майдаги Фармонига асосан ташкил қилинган бўлиб, унинг асосий вазифалари аниқ-равшан белгилаб қўйилган.

Шунингдек, ушбу Фармонга кўра, "Микрокредитбанк"нинг минтақавий, асосан қишлоқ жойлардаги филиаллари ва мини-банклари тизими орқали:

— тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун имтиёзли микрокредитларни йилига 5 фоиздан юқори бўлмаган фоиз ставкасида, энг кам иш ҳақининг 200 баравари миқдорида 18 ойгача бўлган муддатга;

— кичик бизнес субъектлари фаолиятини кенгайтириш ва айланма маблағларини тўлдиришга микрокредитларни Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган ставка бўйича, энг кам иш ҳақининг 500 баравари миқдорида 24 ойгача бўлган муддатга беради;

— кичик бизнес субъектлари учун Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган ставка бўйича, энг кам иш ҳақининг 2000 баравари миқдорида 3 йилгача бўлган муддатга имтиёзли микролизинг бўйича хизматлар кўрсатиши белгилаб қўйилди.

Азизхон АҲМЕДОВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими

НАВБАТДАГИ МАШҒУЛОТДА

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан жойларда "Оила - жамият таянчи" мавзуида бир қатор тадбирлар ўтказилмоқда.

Тошкент Ахборот технологиялари университетида ёш оила қурувчилар мактабининг адлия ходимлари билан навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди. Шаҳар адлия бошқармаси етакчи мутахассиси Аброр Бердиев, Юнусобод туман ФҲДЁ бўлими мудираси М.Юлдашева, туман оила маркази раҳбари А.Камолова ва бошқалар сўзга чиқиб, ҳаётимиз, жамиятимиз олдидаги долзарб вазифалардан бири соғлом авлод тарбияси эканлигини таъкидладилар. Машғулот қизғин баҳс-мунозараларга бой бўлди.

Дилноза АБДУЛЛАЕВА

Мамлакатимизда ҳар бир фуқаро эркин меҳнат қилиш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва эркин касб танлаш ҳуқуқига эга. Меҳнат ҳуқуқи бузилган, асоссиз ва ноқонуний равишда ишдан бўшатилган ходим етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириб бериш даъвоси билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

● Агар сиз...

МАЪНАВИЙ ЗАРАР

етказганлик учун жавобгарлик масаласи

Меҳнат кодексининг 187-моддасига кўра, меҳнат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ тарзда ходимга етказилган зарар икки турга: моддий ва маънавий зарарга бўлинади.

Моддий зарар объектлари доираси Меҳнат кодексининг 187-моддасида белгилаб қўйилган бўлиб, улар жумласига қуйидагилар киритилади:

меҳнат мажбуриятларини бажариш муносабати билан ходимга етказилган моддий зарар;

ходим ишлаш имкониятидан ғайриқонуний маҳрум қилиниши оқибатида ишламасдан юрган вақтида иш ҳақи олиш имконини йўқотиши туфайли кўрилган зарар;

ходим меҳнат мажбуриятларини бажараётган пайтда вафот этиши туфайли унинг қарамоғида бўлган меҳнатга яроқсиз шахсларга етказилган зарар.

Меҳнат вазифаларини бажариш пайтида ходимга тегишли бўлган молмулк, шахсий буюмлари, пул ва қимматли қоғозлар нобуд қилинса, йўқотилса ёки бошқача тарзда зиён етказилса иш берувчи бу зарар ўрнини қоплаши лозим бўлади.

Иш берувчи (мулкчиликнинг барча шаклидаги корхона, муассаса, ташкилотлар) унинг айби билан ўзининг ҳудудида ва унинг ташқарисида, шунингдек, иш берувчининг транспортида (у ходимларни ташиш учун ижарага олган транспортда) ишга келиш ёки ишдан кетиш вақтида ходимларнинг саломатлигига етказилган меҳнат жароҳати учун моддий жавобгар бўлади.

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса натижасида ходимга етказилган зарар миқдори жабрланувчининг меҳнат жа-



роҳати олгунига қадар олган иш ҳақига нисбатан фоизларда, унинг касб бўйича меҳнатга лаёқатсизлик даражасига қараб белгиланади.

Иш ҳақи ёки унинг бир қисми жабрланган ходимга тўланаётганда, жароҳат олиш туфайли тайинланган ногиронлик пенсиялари, шунингдек, меҳнат жароҳати олгунга қадар ва ундан кейин тайинланган пенсияларнинг бошқа турлари етказилган зарарни тўлашда ҳисобга олинмайди.

Ишлаб чиқаришда жароҳат олган ходимга зарарни тўлашда унинг ўртача ойлик иш ҳақи жароҳат олишдан олдинги 12 ойлик давридаги иш ҳақини жамлаш ва 12 га бўлиш орқали аниқланади.

Меҳнат жароҳати туфайли ўзининг розилиги билан вақтинча енгилроқ кам ҳақ тўланадиган ишга тиклангунига ёки ногиронлик гуруҳи белгилангунига қадар жароҳат олишдан олдинги ўртача ойлик иш ҳақи сақлаб қолинади.

Агар жабрланувчи бошқа енгилроқ иш билан таъминланмаса, у ҳолда унга бекор юрган вақти учун ўртача ойлик иш ҳақи тўланади ёки иш берувчи маблағлари ҳисобидан янги касбга ўқитилади.

Меҳнатда майибланган ёки бошқа тарзда жароҳат олган ходимга иш берувчи ўртача иш ҳақи миқдорида юқорида қайд этилган қоидаларга кўра, зарарни қоплайди.

Ёрдамнинг бир неча турларига муҳтож бўлган ходимларга ёрдамнинг ҳар бир турини олиш юзасидан харажатлар тўла қоплаб берилади.

Қўшимча харажатлар миқдорида хизмат кўрсатган ва тўловни қабул қилган тегишли ташкилотларнинг ҳисоб рақамлари ёки бошқа ҳужжатлари билан тасдиқланади.

Махсус тиббий парваришга муҳтож жабрланувчиларга қўшимча харажатлар энг кам иш ҳақи миқдорида қоплаб берилади.

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ёки касб касаллигига чалиниш оқибатида вафот этган ходимнинг қарамоғида бўлган меҳнатга лаёқатсиз, ундан нафақа (алимент) олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар жабр кўрган ва зарар қоплаб берилишини талаб қилишга ҳақли бўлган фуқаролар ҳисобланадилар. Бундай шахслар жумласига қуйидаги шахсларни киритиш кўзда тутилган:

марҳум ходимнинг 16 ёшга (ўқувчилар 18 ёшга) тўлмаган фарзандлари (шу жумладан, фарзандликка олинган болалар);

марҳум вафот этганидан кейин (10 ойдан кўп вақт ўтмасдан) туғилган фарзандлар;

марҳумнинг ота-оналаридан бири; хотини;

марҳумнинг 3 ёшга тўлмаган фарзанди, укаси, синглиси, набираси парвариши билан банд бўлган ишламайдиган оила аъзоларидан бири;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шахслар.

Боқувчисини йўқотганлик туфайли зарар тўловини олиш ҳуқуқига эга фуқаролар учун уларга боқувчисининг вафоти туфайли тайинланган нафақа, шунингдек, бошқа нафақалар, иш ҳақи, стипендиялар ва бошқа даромадлар зарар тўлови ҳисобига киритилмайди. Зеро, тўлов миқдори иш ҳақининг 50 фоизидан кам бўлиши мумкин.

Маънавий зарар етказилганида жабрланувчи бошидан кечирган руҳий азоблар аниқ ўлчаниши мумкин эмаслиги туфайли бундай зарар судьянинг эркин ва адолатли қараши муҳим ўрин тутиши тўғрисидаги доктрина эътиборга олинмоғи лозим.

Шунингдек, фуқаролик қонунчилиги нормаларида маънавий зарар учун компенсация миқдорини белгилашда эътиборга олиниши шарт бўлган объектив мезонлар ҳам назарда тутилиши керак.

Мамлакатимизда Фуқаролик кодекси амалга киритилганидан кейин маънавий зарар миқдорини аниқлашда қатъий мезонларга таяниш лозимлиги ҳуқуқшунос олимлар ва мутахассислар томонидан илгари суриб келинмоқда.

Хайрулла СОБИРОВ,
Тошкент шаҳар адлия бошқармаси ходими

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида қонунийликни таъминлаш, инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишнинг энг муҳим кафолати сифатида суд ҳокимияти тизимини мустаҳкамлаш, судларнинг чинакам мустақиллигига эришиш, уларнинг демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ролини ошириш борасида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди.

● Таклиф

ИСЛОҲОТЛАР ТАҚДИРИ

сиз ва бизга боғлиқ



Судларнинг жиноий, фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича ихтисослашуви қонунчиликка биноан суд ишлари кўрилиши жараёнида апелляция ва кассация институтлари ҳамда ишларни судда кўришнинг қатъий муддатлари такомиллаштирилди. Суд процессида айблов билан ҳимоянинг ҳуқуқий жиҳатдан тенглиги, уларнинг тортишув принципини таъминлайдиган механизмлари яратилди.

Жиноятлар юзасидан тергов, суриштирув ўтказиш ва айбланувчини ҳибсда сақлаш муддатлари сезиларли даражада қисқартирилди. Жиноий жазолар тизимининг либераллаштирилиши муносабати билан ўта оғир жиноятлар жумласига киритилган жиноятлар сони камайтирилди. Содир этилган жиноятлар учун озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турлари, ярашув институти жорий этилди. Халқимизга хос инсонпарварлик, бағрикенглик ва кечиримлилик қадриятлари билан йўғрилган кўплаб амнистия актлари қабул қилинди. Билиб-билмай жиноятга қўл уриб, кейинчалик қилмишидан астойдил пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига ўтган шахсларга нисбатан амнистия эълон қилиш анъанага айланиб, биринчи навбатда аёллар, вояга етмаган шахслар, кексалар, ногирон ва жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир хасталикка чалинган, қолаверса, эҳтиётсизлик туфайли жиноят содир этган шахслар жазодан ва жиноий жавобгарликдан озод қилинмоқда.

Яна бир масала — бу судларнинг мустақиллигини таъминлаш, уларнинг четдан назорат қилинишига йўл қўймаслик ҳам бугунги кун тақозосидир. Судлар устидан назорат фақат юқори турувчи судлар томонидан амалга оширилишини таъминлаш, протест келтириш ҳуқуқини фақат юқори суд инстанцияларида қолдириш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, низоларни судга қадар ҳал қилиш бўйича тарафлар келишувига асосан иш кўрувчи нодавлат институт — ҳакамлик судлари фаолиятини, низосиз ишлар бўйича эса нотариуслар ваколатини кенгайтириш юзасидан ислоҳотларни янада чуқурлаштириш лозим.

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг муваффақияти қабул қилинаётган қонунларнинг ижроси ҳамда бевосита халқнинг ҳуқуқий онги ва маданиятига боғлиқ. Ҳуқуқий маданият юксак бўлган жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ҳам, унинг ижросини назорат қилиш ҳам, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳам осон кечади.

Рисолат АБДУЛЛАЕВА,
Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси ходими

● Нигоҳ

ЭРТАМИЗ ГАЛАРИГА ЭТИБОР

Болалар — жамиятнинг гули, миллат ва ватан келажаги. Уларни авайлаб-асраш биз катталарнинг бурчимиз. Аммо, нима бўлди-ю, ўсмир жиноят кўчасига кириб қолди. Жиноятга қўл урди. Озми-кўпми гуноҳи бор. У ёш бўлишига қарамасдан кимгадир жабр-зулм қилди. Бу ҳолатда у , албатта, қилмишига яраша жазосини олади.

Истиқлол йилларида қонунларни инсон манфаатларига мослаш борасида улкан ислоҳотлар амалга оширилди. Мутахассисларнинг эътироф этишларича, МДҲ давлатлари орасида Ўзбекистон ўз кодексларининг сони, ҳажми ва мазмуни бўйича биринчи ўринда туради. Қонунларни либераллаштириш — инсон виждонини уйғотиш орқали ёш авлодни тарбиялаш сари ташланган инсонпарварлик қадамидир.

Шуни тан олиб айтиш керакки, ёшлар ўртасидаги жиноятчилик — бу, аввало, биз, катталарнинг уларни тарбиялашда йўл қўйган хатоларимиз оқибатидир. Тўғри, "раҳмдиллик" эвазига жамиятнинг ахлоқий даражаси, турмуш тарзини ҳам унутиш ноўрин.

Истиқлол даврида,мустабид тузумдан қолган оғриқли асорат, муайян қилмиши учун айбдор деб топилган ва қонуний жазони ўтаб қайтган ёшларнинг жамиятда яна ўз ўрнини топиб, осуда ҳаёт кечиришига ғов бўладиган сунъий тўсиқлар йўқ қилинди. Бу эса ана шундай ёшлар онгида ўз қадр-қимматини англаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат руҳида муносабатда бўлиш тамойилларини шакллантиради.

"Жазони ўтаб келган кимсаларнинг ижтимоий жиҳатдан кўникиши тўғрисида"ги Қонун актларини такомиллаштириш ҳам давр талабидир. Бугун бундай ёшларнинг ижтимоий кўникишлари учун барча имкониятлар мавжуд. Уларни иш билан таъминлаш ва назорати борасида вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар қатор тадбирларни амалга оширмоқдалар. Жумладан, уларни жамиятнинг тўлақонли аъзолари сифатида тарбиялаш борасида мунтазам ҳуқуқий тарғибот ишлари йўлга қўйилган. Бу эса уларни ҳаётда адашмаслик, билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолмасликка ва ҳар хил оқимлар таъсиридан сақланишига ёрдам беради.

Шоҳиста ПЎЛАТОВА,
Ҳамза тумани ФҲДЁ бўлими мудираси

Бензин ўрнини босадиган ёнилғи яратиш устида анчадан бери илмий ва амалий ишлар олиб борилмоқда. Шу даврга қадар бензинга муқобил ёнилғи сифатида электр токи, этил спирти, табиий газ, метанол ва бошқа элементлар мутахассислар синовидан ўтказилди. Тан олиб айтиш керакки, юқоридаги элементлар орасида камхаржлиги, ҳар томонлама қулайлиги жиҳатидан газ алоҳида хусусият ва имкониятларни намоён этади.

"INTERMOBILGAZ"

экологик тоза, арзон ва тежамли

ГАЗНИНГ ТЕЖАМКОРЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Газ тежамкорлигининг асосий омилларидан бири, газ маҳсулотларининг арзонлиги, экологик тозалиги ва бензинга нисбатан афзаллиги билан ажралиб туради.

InterMobilGaz

Ҳозир қатор мамлакатларда газ ускуналари билан жиҳозланган машиналар харажати бензин билан юрган машиналар харажатига қараганда бир мунча арзонга тушаяпти.

Газ қуюлмаси деярли тўла ёниб, поршенларда, клапанларда ва ёндириш шам (свеча)ларида куйиш ҳоллари бўлмайди, поршенлар гуруҳи ва коленчатли валлар "юки" енгиллашади.

Бу омилларнинг ҳаммаси, пировардида, ёнилғига сарфланадиган маблағни икки баравар (кўпроқ ҳам) тежаш, двигателнинг хизмат муддатини 30-40 фоиз, мой ва шамларни эса 2 баравар узайтириш имконини беради. Табиийки, уларни таъмирлашга кетадиган харажатлар миқдорини ҳам камайтиради. Сўзимизнинг исботи сифатида 1 литр бензин 710 сўмлигини ва газ эса, 400 сўмлигини ҳисобга олсак, автомобилларни газлаштириш нечоғлик иқтисодий самара беришини аниқлаш қийин эмас. Масалан, "Нексия" автомобили 100 км.га 9 литр бензин сарфласа, газда эса 9,9 литр сарфлайди. Шунда кунига 150 км. юрилса, бир йил давомида 100 6830 сўм тежаб қолинади. "Дамас" автомобиллари эса 100 км.га 7,5 литр бензин, 8,25 литр газ сарфлайди. Бир йил давомида 838 860 сўм иқтисод қилинса, "Волга"га 13,5 литр бензин, 14,8 литр газ сарфланган ҳолда, бир йилда 1521 135 сўм тежаб қолинади.

ҚАЙСИ МОСЛАМАНИ ТАНЛАГАН БЎЛАРДИНГИЗ?

Маълумки, "INTERMOBILGAZ" масъулияти чекланган жамияти автомашиналарга баллонли газ ускуналари ўрнатиш, газ қуйиш шохобчаларини монтаж қилиш ва улардан фойдаланиш фаолияти билан шуғулланади. У — BRC. BRC Gaz Equipment (Италия) компаниясига қарашли бўлиб, баллонли газ ускуналарини ўрнатувчи (эксклюзив) тезкор диллердир.

BRC Gaz Equipment тамғаси билан чиқарилган маҳсулотлар ўзининг юксак сифати ва кенг диллерлик тизими билан жаҳонга маълум. Экологик хавфсизлик бўйича "ЕВРО-3", "ЕВРО-4" талабларига мос.

"INTERMOBILGAZ" ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:

— ускуналарни профессионал даражада ўрнатиб бериш;

— автомашинани оригинал жиҳозлар (редуктор, электроника, газ баллонлари) билан қайта ускуналаш;

— газни 4 тур (компонент)да таҳлил қилувчи қисмлар "тести";

— аъло даражадаги техникавий хизматларни;

— 6 ойлик кафолат ва бошқа хизматларни.

Хуллас, компания кўпгина чет эл мамлакатларида аллақачон ўзини оқлаб, аҳоли ишончини қозониб улгурди. Демак, биз ҳам бу тажрибадан қанчалик тез ва самарали фойдалансак, жамият ҳам шунчалик манфаатли. У — қулай, арзон, афзал, тежамкор ва экологик тоза...

Муртазо СУЛТОНОВ,
"ИНТЕРМОБИЛГАЗ" компанияси директорлар кенгаши раиси

● Хиёнат

ЛОҚАЙДЛИК "МЕВА"СИ

Маълумки, қўни-қўшничилик анъанаси халқимизнинг энг олижаноб фазилатларидан бири саналади.

Аммо бугунги "қаҳрамон"ларимиз девор-дармиён қўшни бўлатуриб, бир-бирларига бир умрлик азият етказишди.

Йигирма ёшли Саодат Куроматова баъзан қўли бўшаса ёки уйда зерикиб қолса, ён қўшниси Салтанатхонникига чиқар, иккаласи роса чақчақлашар, ўрни келганда, уй юмушларини ҳам бирга бажаришарди. Лекин бир кун келиб, бу қиз ўзининг кундошига айланишини Салтанатхон қаёқдан билибди дейсиз?

Хуллас, Саодатнинг тез-тез чиқиб туриши оқибатида Фазлиддин икковлари бир-бирларини ёқтириб қолишди. Кейинчалик эса пинҳона учрашадиган ҳам бўлишди. Охир-оқибат "ошиқ-маъшуқлар" бир муллага шаръий никоҳ ўқитиб, турмуш қуришди.

Кўп ўтмай, гап-сўзлар Салтанатнинг қулоғига ҳам етди.

— Бир жойда яшаб туриб, менинг оиламни бузишга уялмайсанми? Бунақада қишлоқда қандай бош кўтариб юрасан? — деди Саодатга насиҳат қилиб.

— Менга барибир, ким нима деса деяверсин? — дея сурбетлик қилди Саодат.

Салтанат сўнгги умидини Салима опага боғлади. Бироқ у ҳам қизини тўғри йўлга сололмади.

Мана шу зайлда орадан етти-саккиз ой ўтди. Эри ва қўшни қиз ўртасидаги муносабатлар янада чуқурлашди...

— Ая, ташқарида "свидания" бўляпти, — ўғлининг овози Салтанатнинг хаёлларини тўзғитиб юборди.

Аёл кўчага чиқди. Чиндан ҳам Фазлиддин билан Саодат уйларидан нарирокда суҳбатлашиб туришганди. Аммо Салтанат яқинлашиб борса ҳам пинакларини бузишмади.

Кундошининг бу калондимоғлиги Салтанатнинг баттар жаҳлини чиқарди. Арз қилиш учун Салима опани чақирди. Шу пайт "севишганлар" машинага ўтириб, бошлари оққан томонга қочиб кетишди. Энг даҳшатлиси, бу хабар Саодатнинг отаси Йўлдошали аканинг қулоғига етганда бошланди. Кайфи тароқ ота аввалига қўлида пичоқ билан Салтанатникига бостириб кирди.

— Қизимни топиб бер, йўқса, уйингга ўт қўяман, — дея Салтанат билан қайнонаси Саломат холага бақириб, ҳовлини бошига кўтарди.

Бу маҳал соат миллари тунги 23:00 ларга яқинлашиб қолган, қайнона-келин чорасизликдан худди бўрига дуч келган қўзичоқдек дағдаг титрашарди. Шунда Йўлдошали шаҳд билан кўчага чиқиб кетди-да, бироздан кейин бир идишда бензин кўтариб яна кириб келди. У қўлидаги бензинни уй атрофига сепиб чиққач, гугурт чақди. Ҳаш-паш дегунча, томни кучли аланга эгаллаб, қий-чув бошланди. Бундан бутун маҳалланинг ширин уйқуси бузилди. Саросимага тушган хонадон соҳибаси эса йиғилганлар орасидан Йўлдошалини изларди. Лекин у қилган ишидан қўрқиб, аллақачон жуфтакни ростлаб қолганди.

Тез орада ўт ўчирувчилар ҳам етиб келишди ва кўплашиб ёнғинни бартараф қилишди. Буни қарангки, уйида ёнғин содир бўлиб, қўни-қўшнилар уни ўчиришга кўмаклашаётган ана шу дамларда Фазлиддин Саодат билан Тошкент-Наманган йўли ёқасидаги дашт ўртасида машинани тўхтатиб, тунашаётганди. Эртаси куни унга холасининг ўғли Алишер қўнғироқ қилди.

— Кечқурун сизлардан кейин Йўлдошали ака уйингизга ўт қўйиб юборди. Уни ўша ярим тундаёқ қўлга олишибди. Уйга келмасангиз бўлмайди. Холам қаттиқ қўрққанлар, шекилли, тоблари қочиб қолди.

Шундан сўнг Фазлиддин ноилож уйга қайтди. Бироқ у йўлда осойишталик посбонларига дуч келди. Чунки воқеага аниқлик киритиш мақсадида гувоҳ тариқасида уни ҳам сўроқ қилишлари лозим эди...

Яқинда мазкур иш жиноят ишлари бўйича Поп тумани судида кўриб чиқилиб, Й.Куроматов қонуний жазосини олди. Шу билан бирга суд ҳукмида Йўлдошалидан ёнғин туфайли С.Шобировага етказилган 863.068 сўм моддий зарарни ундириш ҳам қайд этилди.

Келинг, шу ўринда мазкур жиноятнинг содир бўлиш омиллари ҳақида мулоҳаза юритсак. Қарс икки қўлдан чиқади деганларидек, бу ишда ҳар иккала томоннинг ҳам айби йўқ эмас. Воқеа тафсилотларидан кўриниб турибдики, энг жиддий хатолик Йўлдошалидан ўтган. Негаки, у қизининг сўнгги пайтларда босаётган қадамини назорат қилмай қўйган. Қарабсизки, Саодат билан Фазлиддиннинг муносабати шаръий турмуш қуриш даражасига бориб етган. Буни ҳам қўя турайлик, қизи билан "куёв"и ҳақидаги гап-сўзлардан Салтанат хабар топганидан саккиз ой ўтганидан кейингина юқоридаги воқеа содир бўлган. Хўш, Йўлдошалининг ана шу орада ҳам Саодатни тўғри йўлга солмаганини қандай тушуниш мумкин?

Фазлиддиннинг хатти-ҳаракатларига келсак, муқаддам ўз қариндошининг номусига тажовуз қилишдан уялмаган одамнинг оиласига хиёнат қилишидан хижолат чекмаслиги тайин эди. Лекин ҳудудда тинчлик-осойишталикни таъминлаш, оилавий можаро ва келишмовчиликларни бартараф этиш асосий вазифаси саналган қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, уларнинг диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, профилактика инспектори нима учун аҳвол шу даражага боргунча аниқ амалий чораларни кўришмаган? Оқибатда бир оилада парокандалик юзага келган бўлса, иккинчи оила ўз бошлиғидан анча вақтгача жудо бўлди. Шундай экан, ён-атрофдаги ҳар қандай катта-кичик воқеа-ҳодисаларга ҳушёрлик билан қараганга нима етсин.

Баҳромжон БОТИРОВ,
жиноят ишлари бўйича Поп тумани судининг раиси,
Хуршид СУЛТОНОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

● Қулайлик

ТОҒЛАР БАҒРИДА

янги алоқа тармоғи

Чўққиларига қор тушган Бойсун тоғининг аҳолиси замонавий, ҳар томонлама қулай бўлган янги автомат-телефон станцияси хизматидан баҳраманд бўлди. Туман алоқа корхонаси бошлиғи Эркин Воҳидов билан суҳбатимиз янги станция имкониятлари хусусида бўлди.



— Янги алоқа тармоғининг афзалликлари ҳақида тўхталсангиз?

— Бундай замонавий алоқа тармоғининг ишга туширилиши, элимиз қатори биз муҳандис-техникларнинг ҳам орзуимиз эди. Оддий мисол келтирай. Шу пайтгача фойдаланиб келинган автомат-телефон станциядаги техник воситалар 3 минг нуқтага мўлжалланган бўлиб, 360 метр квадрат майдонни банд қилар эди. Ҳозиргиси эса барча асбоб-ускуналари билан бор-йўғи 36 метр квадратни эгаллади. Китоб ҳажмидаги рамкаларнинг ҳар бирида 127 та телефон нуқтаси жойлашган. Шиша толали кабелга уланган. Хитойда ишлаб чиқарилган янги автомат телефон станциямизнинг қуввати бир йўла 3 минг 72 телефон нуқтасига уланиш имконини беради. Илгари керакли рақамни тергач, алоқа узатиш вақти саккиз сониягача бўлса, ҳозиргиси рақам терилган заҳоти алоқа ўрнатилади.

— Янги алоқанинг хизмат турлари ҳам кўп экан?

— Ҳа, янги алоқа тармоғида 17 турда қўшимча хизмат кўрсатилиши мумкин. Масалан, ўзингизга қулай вақтда сизни уйқудан уйғотиши мумкин. Бунинг учун телефон дастурига буйруқ киритилса, бас. Ёки ўзингизга маълум бўлган паролни киритсангиз, сиздан бошқа одам телефондан фойдалана олмайди. Бир вақтнинг ўзида уч-тўрт жой билан алоқа ўрнатиш мумкин. Ёки бирор танишингизнинг телефон рақамини терсангиз, у банд бўлса, қайта териб ўтиришга ҳожат йўқ. Қачонки ўша телефон нуқтаси бўшаса рақам автоматик равишда ўзи уланади. Қўшимча хизматнинг эса барчаси пуллик бўлади.

— Хизмат ҳақи неча пул?

— Шахсий хонадонлар учун ойига 800 сўм. Ана шу пулга 180 дақиқа гаплашиш мумкин. Ушбу белгиланган муддат тугагач, ҳар дақиқа учун қўшимча 2 сўм 60 тийиндан ҳақ тўланади. Бюджет ташкилотлари, ишлаб чиқариш корхоналарига эса бир ойлик телефон хизматининг ҳақи 3035 сўмни ташкил этади. Жаҳон андозаларига мос янги алоқа тармоғи билан дунёнинг исталган нуқтасига қўнғироқ қилиш мумкин. Лекин бунинг учун корхонамиз билан алоҳида шартнома тузиш керак бўлади.

— Электр тармоғида узилишлар юз берса, хизмат қай аҳволга тушади?

— Станция қошида баландлиги бир, узунлиги ҳам шунча бўлган энсизгина аккумляторлар жойлашган. Мабодо, электр қуввати узилиб қолса, ушбу аккумляторлар ўн соат мобайнида станциянинг узлуксиз ишлашини таъминлайди.

— Мижоз телефон ҳақини тўламай, қарздор бўлса-чи?

— Ҳар ойнинг 25 санасигача хизмат ҳақини тўлаш керак. Агар пул тўланмаса, мижоз автоматик равишда огоҳлантирилади. Уч кундан сўнг станция компьютер тизими орқали автоматик равишда сизга хизмат кўрсатишни тўхтатади. Қисқаси, баланд тоғлар орасидаги бойсунлик биродарларимиз жаҳон андозаларига мос, янги автомат-телефон станцияси хизматларидан унумли фойдаланишмоқда.

Суҳбатдош: Собир ЁДИКОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

● Қилмиш

"КУРСИ" ҚУТҚУСИ

Абдувоиз Аҳмаров 2006 йилнинг айни ёз чиллаида "Водийгазтаъминот" унитар корхонасининг "Андижоншаҳаргаз" филиалига раҳбар этиб тайинланди.



У хонага кириб, раҳбарлик курсисига ястаниб ўтиргач, хаёлга чўмди. "Бу биргина шаҳар филиали курсиси. Вилоят курсиси янада салобатли бўлса керак. Тўғри-да, ўзи ҳам ана шу шахс олдида қўл қовуштириб туради. Ўша жойни эгаллашим керак!" Бу хаёл Абдувоизнинг ҳаловатини ўғирлади. "Катталар кўзига зўр ишинг билан бир кўринсанг бас, орзуингдаги курси сеники! Зўр иш — бу қарздорликни камайтириш". Унинг кўз олдига корхонадаги мавжуд 7 миллиарддан зиёд қарздорлик келади.

Қандай қилиб камайтиради? Ахир, барча ишлар "Биллингаз" дастури асосида амалга оширилади. Унга кириш учун паролни билиш керак. Қолаверса, ушбу дастур муаллифлари Тошкентда. Улар билан тил топишиб бўлармикан? Бу ва яна бошқа саволлардан унинг боши қотди. У столга бир мушт урди: "Барибир йўлини топишим керак".

2006 йил декабрь ойи. Абдувоиз вилоят корхонасининг АСУ бўлими мутахассислари билан гаплашиб кўрди. Шундан сўнг вилоят корхонаси АСУ бўлими мутахассиси Ҳанифахон билан ўзининг бош ҳисобчиси Донохонларни Тошкентга юборди. Улар дастур муалифлари бўлмиш "Baik technologies" МЧЖ раҳбари Дамир Исломовга учрашишди.

— Кечирасизлар, қонуний асос бўлмаса ёрдам беролмайман, — дея жавоб беради уларнинг сўровига Д.Исмоилов.

Улар Тошкентдан Абдувоизга телефон қилишади.

— Асос бўлмаса бермас экан.

— Келаверинглар, асос тайёрлаб қўяман, — дейди Абдувоиз.

Икки аёл Андижонга қайтиб, раҳбарга учради.

— Мана, асос, — дея Абдувоиз 2006 йил 16 сентябрь куни тузилган далолатнома ва йиғилиш баённини Донохоннинг қўлига берди.

Ниҳоят, А.Аҳмаров кутган дастур пароли ва унга ўзгартиш киритиш ҳуқуқига эга бўлади.

Шундан сўнг бошлиқ А.Аҳмаров ҳузурига бош ҳисобчини чақиради.

— Хатлов асосида қилмоқчи бўлсак, кўп вақт кетади. Шунинг учун бу ёғини эплаб юборамиз, — дейди бошлиқ. Бош ҳисобчи аҳоли хонадонларидаги газ жиҳозларига хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғига учраб, қанча қўшишликни ҳисоб-китоб қилиб беришини сўрайди. У 1 хонадонга 84 метр куб майдонни иситиш учун жон бошига бир йиллик газ сарфи қанча бўлишини ҳисоблаб беради. Ана шундан сўнг корхона зарарида бўлган 7.250.116.-584 сўмлик табиий газни шаҳардаги 65277 та хонадонда тўлиқ хатлов ўтказмай, асоссиз равишда 2006 йилнинг январь ойидан бошлаб қайта ҳисобкитоб қилиб, мижоз хонадонларнинг ҳисоб рақамига қўшиб ёзишади.

2007 йилни кутиб олиш чоғида А.Аҳмаров янги йилда қарздорликни тугатиш ва янги курсисида ўтиришни ният қилган бўлса ажаб эмас. Бироқ бундай бўлмади. Қилмиши фош бўлиб қолди. Бунга А.Аҳмаровнинг ўзи ўйлаб топган "асоси" панд бериб қўйди. Негаки, ўша далолатнома сохталик билан корхонанинг ишчи ва мансабдор ходимлари томонидан имзоланганлигини текшириш давомида гуруҳ аъзолари тан олишди. Бу гуруҳда масъул мансабдор шахс бўлган А.Аҳмаров юқори идораларнинг мансабдор шахслари олдида сохта обрў орттириш, юқори раҳбарлик мавқеини эгаллаш мақсадида "Андижоншаҳаргаз" филиалининг табиий газдан бўлган 7,250.116.584 сўмлик қарздорлигини аҳоли гарданига ташлаб, фуқароларнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатларига зиён етказган.

Тергов жараёнида келиб тушган аризалар ҳамда мурожаатлар текширилганда, 1158 нафар мижозга қўшиб ёзиш натижасида 112.804.384 сўм зарар етказганлиги исботланди.

"Курси" қутқусига учраган А.Аҳмаров ва шериклари тегишли жазони олишди.

Комилжон ДАВЛАТОВ,
Андижон шаҳар прокуратурасининг терговчиси,
Шуҳратбек МУСАЕВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Чақмоқтош

ДИОГЕН

(Милоддан аввалги 400-323 йиллар)



Юнон файласуфи синоплик Диоген киникларнинг мактаби асосчиси Антисфеннинг шогирди эди. Антисфеннинг ўлимидан сўнг Диоген Коринфга кўчиб ўтади. Чунки Синопда Диоген ўзи билан мулоқот қилгулик бирор одам тополмай қолганди. У Коринфда ўзига бошпана тополмай, танишлариникига ҳам бермай, очиқ осмон остида яшай бошлайди. Анчайин дарз кетган сопол хум унга бошпана вазифасини ўтади.

Диоген ҳаммага заҳархандалик ва нафрат билан муносабатда бўлган.

Унинг **"Севги ҳақида", "Давлат", ("Полития"), "Эдип", "Фиест"** ("Фожиа") номли асарлари маълумдир. Диоген пиширилмаган саккизоёқни еб, вабо касали билан оғриб қолган ва вафот этган. Баъзи манбаларда ёзилишича, у нафас қисилиши оқибатида ҳаётдан кўз юмган.

Искандар Зулқарнайн 70 ёшли Диоген билан Коринфда, шаҳар четидаги сарв дарахтларидан иборат Кранеон ўрмонида учрашиб қолиб, ҳамсуҳбат бўлган. У ўзини файласуфга буюк шоҳ Искандар деб танитганда, Диоген тап тортмасдан: "Мен эса қўппак Диогенман", — деган экан.

***

"Мен муттаҳам бўлмаган одамни излаяпман". (Бир куни Диогенни кундуз куни қўлида ёниб турган фонус кўтариб олиб, ниманидир излаётган ҳолда кўрадилар. Одамлар ундан нима қилаётганини сўраганларида, юқоридагича жавоб қайтарган экан).

***

Искандар Зулқарнайн Диоген ҳақида шундай деган: **"Шоҳ бўлмаганимда, Диогеннинг ўрнида бўлишни истардим".**

***

Ватандошлари Диогенга атаб кўплаб мисдан ишланган ёдгорликлар бунёд этдилар. Файласуф туғилиб ўсган шаҳар — Синопда тикланган ана шундай ёдгорликлардан бирида қуйидаги мазмундаги ёзувларни ўқишингиз мумкин: **"Диоген! Йиллар тўфони тош ва бронзаларни ҳам емириб ташлайди. Аммо сенинг таълимотинг мангу қолажак. Сен бизни қаноат қилишга ўргатдинг ҳамда бахтга элтувчи йўлни кўрсатдинг".**

Саида ЖЎРАЕВА
тайёрлади

● Мулоҳаза

МУОМАЛА МАДАНИЯТИ

ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизими ходимларининг хизмат этикаси хусусида

Бир қараганда аҳамиятсиздек бўлиб туюладиган бир воқеа ушбу мақоланинг ёзилишига туртки бўлди.

Дўстимникига меҳмондорчиликка кетаётиб, йўл-йўлакай «Супермаркет»га кирдим. Торт харид қилдим. Сотувчи пулни олиб, торт солинган қутичани пештахтага қўйди.

— Ука, хизмат бўлмаса, қутичани ип билан боғлаб бермайсизми? — дедим илтимос оҳангида.

— Ип йўқ, — деди сотувчи қўлидаги пулларни санаркан ва норози оҳангда тўнғиллаб қўйди: — Индамай қўлтиқлаб кетавермайсизми?

— Тарвуз эмас-да бу, қўлтиқлаб кетаверадиган, — жилмайдим мен. — Қараб кўринг, бирон тизимча бордир?

— Йўқ, дедим-ку! — овозини баландлатди сотувчи. — Тизимчаям, арқон ҳам, тросс ҳам йўқ! Унақа нарсалар хўжалик моллари дўконида бўлади!

— Бошқа дўконларда бунақа муомала қилишмайди, — ўпкаландим мен. — Хизматга шай туришади. Харидорнинг кўнглини олишади.

— Бўлмаса ана, ўшанақа дўконларга бора қолинг! — қўл силтади сотувчи.

«Нима бўпти? Кунора учраб турадиган, оддий ҳодиса-ку!» дерсиз?

Ҳамма гап ана шунда. «Кунда-кунора кўраверib, кўникиб қолганимиз-да!»

Ўйлаб қоласан киши. Наҳотки теварагимиздаги одамлар оддий бир қоидани — гаплашиш одобини унутиб ёки менсимай қўйган бўлсалар? Гап сўзда эмас, уни айта билишда. Доно халқимиз «Бир сўз билан беморни соғайтириб юбориш мумкин, яна бошқа бир сўз билан соғ кишини ўлдириб қўйиш ҳам мумкин», деб бежизга айтмаган. «Яхши гап ҳам, ёмон гап ҳам бир оғиздан чиқади», дейди машойихлар.

Шундай экан, муомала маданиятини, хизмат этикасини унутиб қўйишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Булар-ку, атрофимиздаги гаплар. Энди ўзимизнинг соҳага, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларига келсак, уларнинг ўзларига ишониб топширилган бурч ва вазифалари тегишли ҳужжатларда белгилаб қўйилган. Мавжуд қонуний тартибга кўра, прокуратура ходимлари ҳам ҳамма вақт ва ҳамма жойда ахлоқий-ҳуқуқий меъёрларга қатъий амал қилишлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2005 йил 7 апрелдаги 45-сон буйруғи билан тасдиқланган йўриқномасида ҳам айнан шу масалага алоҳида эътибор қаратилган. Унда прокуратура ходимларининг маънавий камолотини ўстириш, уларнинг ўз вазифасига виждонан ёндошиши, ўз қасамёдига содиқ бўлиши, қонун бузилишининг ҳар қандай кўринишига муросасиз бўлиши, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиши, ўз ваколатларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар доирасида адо этилиши таъкидлаб ўтилган. Айтмоқчиманки, хизмат этикаси ижтимоий, маънавий ва маданий унсурлар асосида шакллана боради ва шунинг баробарида ривожланади, сайқалланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, прокурор — тергов ходимлари фаолиятида ҳамиша адолат ва ҳаққонийлик принципларига асосланиб иш юритиши бош мезон саналса, хизмат этикасига риоя қилиш уларнинг маънавий комиллигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Хизмат этикаси деган тушунча шахснинг ўзига, бажараётган ишига, ён-атрофидаги одамларга бўлган маънавий-ахлоқий муносабати, хулқи, одоби, юриштуриши, ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзини тута билиши сингари қатор тамойил ва меъёрларни ўз ичига олади. Соҳамизда бу тушунча «ҳуқуқшуносларнинг профессионал ва касб этикаси» деб юритилади.

Бугунги кунда бозор муносабатларига асосланган демократик-ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қураётганимиз ҳеч кимга сир эмас. Бундай шароитда муомала маданияти ва хизмат этикасининг маълум жиҳатлари ўзгариши табиий. Яъни, меҳнат интизомига талаб кучаяди. Шу билан бирга муомала маданиятининг юксак чўққилари сари интилиш, унинг янги қирраларини амалда қўллаш ҳам шартлилик касб этади.

Зеро, тирик жон борки, муомала қилади. Муомала эса, энг аввало, ўша инсоннинг маданиятини ўзида акс эттиради. Буни қандай намоён этиш ўзимизга боғлиқ.

Азамат ТОҒАЕВ,
Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаменти Сурхондарё вилояти бошқармаси шахсий таркиб бўйича катта инспектори

ЭЪЛОН!

Айни дамда фуқаролик ишлари бўйича Сурхондарё вилояти судида 2 та вилоят суди судьяси лавозими ва 2 та туманлараро суди (фуқаролик ишлари бўйича Термиз ҳамда Шеробод туманлараро суди) раислиги лавозимлари бўш (вакант) ҳисобланиб турганлиги ва ушбу бўш жойларни тўлдириш мақсадида фуқаролик ишлари бўйича Сурхондарё вилояти судлари малака ҳайъати томонидан ушбу лавозимларга ҳамда илк бор судьялик лавозимига номзодлар захираси шакллантирилаётганлиги муносабати билан ҳуқуқшунос-мутахассислар судьялик лавозимига номзодлар захирасига ўз номзодларини қўйишлари мумкинлигини маълум қилади.

25 ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотли, юридик ихтисоси бўйича камида уч йиллик меҳнат стажига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари судьяликка номзодлар захирасига киритилиши мумкин.

Ўз номзодини судьялик лавозимига киритиш истагини билдирган шахслар фуқаролик ишлари бўйича Сурхондарё вилояти судлари судьяларининг малака ҳайъатига ариза берадилар. Аризага шахсий варақа, таржимаи ҳол, олий юридик маълумот тўғрисида диплом нусхаси, меҳнат дафтарчасидан кўчирма, иш жойидан тавсифнома илова қилиниши лозим.

Ушбу масала бўйича аризалар фуқаролик ишлари бўйича Сурхондарё вилояти судида қабул қилинади.

Малака ҳайъати манзили: Термиз шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 67-уй. Фуқаролик ишлари бўйича Сурхондарё вилояти судлари судьялари малака ҳайъати

● Қинғирлик

УСТОЗ ЭГРИ ЙЎЛДАН ЮРСА...

бошқаларнинг таажжубга тушиши табиий

Эъзозли касб эгаси муаллимларга ҳурматимиз баланд. Улар ҳақда ҳамиша эҳтиром билан сўзлаймиз. Бироқ, уларнинг қинғир ишга қўл уриши...



Зулайҳо Мўминова Пастдарғом туманидаги 52-умумий ўрта таълим мактабига директор этиб тайинлангач, қонун талабларини унутди. Ёпиғлик қозон ёпиғлигича қолади деган фикрда, у мансабини суиистеъмол қилди. 2006-2007 ўқув йилида мактабнинг 9-"А" синфида тўлиқ ўқимаган Лочинбек Маматовга 2531248 рақамли шаҳодатномани қалбакилаштириб ёзиб берди. Устозлар раҳбари З.Мўминова қалбаки шаҳодатномага 21 та фан бўйича сохта баҳолар қўйди. 9-"А" синф раҳбари С.Бадалов ва директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари С.Жумаевалар ўрнига уларнинг имзосини ўзи ясади, шаҳодатномага гербли муҳр босди.

Эртаси куни З.Мўминова ўзининг ҳузурига ўринбосари Сора Жумаева билан 9-"Б" синф раҳбари Х.Тожиеваларни чақирди. Улар ўзаро тил бириктириб, 2006-2007 ўқув йилида мактабнинг 9-"Б" синфида умуман ўқимаган, битириш имтихонларини топширмаган Муҳиддин Ғафуровга барча фанлар бўйича рейтинг баҳолар ёзишади.

Шундай қилиб, сохтакорлик, қалбакилаштириш орқасидан М.Ғафуров номига 2531275 рақамли шаҳодатнома тайёрланади. Расмий ҳужжатга директор З.Мўминова, ўринбосар С.Жумаева ва синф раҳбари Х.Тожиевалар имзо қўйиб, муҳр босишади.

Судда судланувчилар З.Мўминовага Жиноят кодексининг 209-моддаси, 2-қисмининг "а" банди ҳамда 277-моддаси, 1-қисми, С.Жумаевага Жиноят кодексининг 209-моддаси, 2-қисми, "а" банди, Х.Тожиевага Жиноят кодексининг 209-моддаси 2-қисмининг "а" банди билан айблаш ҳақидаги жиноят иши кўриб чиқилди. Суд ушбу жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2007 йил 30 ноябрдаги **"Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн беш йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"**-ги қарорига асосан тугатишга ажрим чиқарди. Яхшиямки, жиноий жазолар либераллаштирилган. Акс ҳолда...

Муҳиддин ТЎХТАЕВ,
ҳуқуқшунос,
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

ИНСОН ва ҚОНУН
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади
2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган
Бош муҳаррир: Қўчқор НОРҚОБИЛ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Аҳмедов Абдуҳалим Абдураимович, Мустафаев Бўритош Мустафаевич, Ражабова Мавжуда Абдуллаевна, Махмудов Лазизжон Мирзаевич, Рахмонов Абдукамол Шодиевич, Маматов Шоди Суюнович, Матрасулов Давлатназар Раҳимберганович, Саидов Шокир Камолович, Ҳамроев Ислом Ҳамзаевич
Навбатчи: Алимурод ТОЖИЕВ
Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ
Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» ҳуқуқий газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Буюртма Г-116. Тиражи — 12988. t — тижорат мақола.
Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.30
МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 233-84-50, Факс: 233-95-31.
1 2 3 4 6 7 8